Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2013-yil 9-fevral, shanba № 12 (8557)

Боқий фикр

Алишер Навоий бобомизни авлиё десак, у зот — авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак — шоирларнинг султонидир.

Ислом КАРИМОВ

9-fevral — Alisher Navoiy tavallud topgan kun

КЎНГИЛНИ ПОКЛОВЧИ ШЕЪРИЯТ

Алишер Навоий шеъриятида руҳиятнинг энг юксак интилишлари инсон қалбининг кенгликлари, дунё ва тириклик ҳақиқати асосида тасвирланади. Бу — шоир ижоди ўлмаслигини таъминлайдиган жиҳатлардан бири. Навоий шеъриятида инсон қалбининг эврилишлари, руҳнинг адоқсиз изтироблари турфа ранг ва шаклу шамойилларда намоён бўлади, ҳаётий манзараларда ўз ифодасини топади. Уни ўқиш учун кўп билим кераклиги, эҳтимол, тўғридир, аммо Навоийни ўқиб катта билим, маърифат олиш бош масала эканлигини англаш муҳимроқ.

Шу боис Навоий ижоди билан танишганда унинг санъаткорлик билан яратган байтлари, улардаги тимсоллару бадиий ифодалардан завқланишгина эмас, балки шоир маърифатини илғаш муҳим. Зеро, Навоий рост туйғулар куйчиси эканлиги, шеърлари эса рост ва олий туйғулар куйланганлиги боис ўлмасдир. Навоий ўртаниб ёзган, уни изтиробга солган, шеъларининг бош мавзусига айланган масалалар бугун ҳам барчани бирдек қувонтирадиган ёки ташвишга соладиган муаммоларга дахлдор. Ростлик, адолат, поклик, ҳақиқат ҳақида ёзиш ва китобхонни ҳам бу ҳақда ўйлашга мажбур этиш шоирнинг бош мақсади. Бу туйғулар инсоннинг ўзини англаш йўлига ўтишига кўмак беради. Ўзининг кимлигини англаш йўлига ўтган инсон эса дунёни танийди, унинг моҳиятини аниқроқ тасаввур эта бошлайди, тушуниб боради. Айни шу моҳиятни тушуниш Навоий шеърияти моҳиятини тушунишга олиб ўтади.

"Нафс қуттоъ ут-тариқи манзилидур бу работ..." — деб бошлайди шоир бир ғазалини (байтдаги: *қуттоъ ут-тариқ* — йўлтўсар, қароқчи маъносини ифодалайди). Бу ўринда шоир назарда тутган фикр *работ* сўзи билан ойдинлашади. *Работ*нинг карвонсарой, йўловчилар қўниб ўтадиган бино, мусофирхона мазмунини англатиши унинг мажозан *дунё* тушунчасини ифодалаётганлигига ишора. Шу ғазалнинг бошқа бир байтида шоир *работ* сўзини такрор қўллайди: *"...ҳар кун ўзга корвон оромгоҳидур бу работ"*. Бу маъжозий қиёслар — шоирнинг дунёга бераётган таърифларига дахлдор.

(Давоми 8-бетда.)

БЕТАКРОР МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ КОШОНАСИ

Алишер Навоий — буюк мутафаккир шоир ва аллома. Унинг ижоди халқимиз онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихидаги бутун бир даврни ўзида мужассам этган. Шоир хотирасининг абадийлаштирилгани унинг жаҳон адабиёти хазинасига қўшган буюк ҳиссаси ҳамда чексиз истеъдодига бўлган ўзига хос ҳурмат ифодасидир. Бугунги кунда юртимиздаги катта салоҳиятга эга вилоятлардан бири, Миллий кутубхонамиз, Самарқанд давлат университети, Тошкент шаҳрининг асосий кўчаси, ҳозирги кунда капитал реконструкция қилинаётган Ўзбекистон Давлат академик катта театри улуғ шоир номи билан аталади.

Марказий ва Жануби-шарқий Осиёдаги энг катта санъат кошонаси — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри бой тарихга эга. У Ўзбекистондаги етакчи театрлардан бўлиб, миллий ифтихоримиз, ўзига хос мусиқа-театр маданияти маркази ҳисобланади. Бу ерда миллий ва жаҳон классикасининг ажойиб опера ва балет спектакллари намойиш этилади, театр санъаткорлари хорижда бўлиб ўтадиган йирик кўрик-танловлар, фестиваллар, ижодий форум ва концертларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

Театр биноси ҳам машҳурдир. У XX аср ўрталарида Тошкентнинг қиёфасини белгиловчи архитектура дурдоналаридан бўлган. Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида тарихий ва маданий ёдгорликларни асрашга қаратилаётган эътибор самарасида истиқлол йилларида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри биноси ҳам маданий мерос объектлари рўйхатига киритилди.

(Давоми 2-бетда.)

ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШ — ЗАМОН ТАЛАБИ

Бугунги кунда мамлакатимизда таълим тизимидаги ислоҳотлар самарадорлигини янада оширишда "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида амалга оширилган кенг кўламдаги ишлар муҳим аҳамият касб этаётир. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам республикамизда таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг изчил давом этаётганидан далолат.

3

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

умумтаълим муассасалари бошқарувида муҳим аҳамиятга эга

Рағбатнинг ҳам, интизомий чоранинг ҳам усули, йўли кўп. Тажрибамдан шуни англаб етдимки, мавжуд шароитдан келиб чиқиб, индивидуал тартибда кўрилган чора уларнинг энг мақбулидир.

Токи жазо ўқитувчининг иштиёқини сўндирмасин, аксинча, фаолиятини қайта кўриб чиқиб, янада жонлантиришига куч берсин.

5

МУОМАЛА МАДАНИЯТИ

самимий суҳбат шарти, муваффақиятлар калитидир

Хушмуомалалик самимийликнинг ифодаси, кўпгина муваффақиятлар омилигина эмас, айни пайтда тараққий этган жамият барпо этишнинг асоси бўлиб ҳам хизмат қилади. Ҳазрат Навоий дейдики:

"Ҳар кимки, чучук сўз элга изҳор айлар,
Ҳар нечаки ағёрдурур, ёр айлар".

Келинг, азизлар, бир-биримизга ҳамиша хушмуомалада бўлайлик. Бир-биримизни эзозлашга қанчалик вақт топсак, умримиз шунчалик мазмунли кечади.

11

УСТОЗ МЕҲНАТИ САМАРАСИ

ўқувчилар эришаётган ютуқларда ўз аксини топмоқда

Fevral — matematika va informatika fanlari oyligi

Инсоният тамаддунида фанлар отаси дея эътироф этиладиган риёзиёт илми муҳим ўрин тутади. Хусусан, техника тараққиёти математика фани ривожига бевосита боғлиқдир. Шу боис юртимиз умумтаълим муассасаларида аниқ фанларни чуқур ўргатишга катта эътибор қаратилаяпти.

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ҳам ушбу фан машғулотлари илғор педагогик технологиялар асосида ўзига хос тарзда ташкил этилмоқда. Айниқса, халқ таълими аълочиси, ўн беш йиллик иш тажрибасига эга педагог Жамила Абдурахмонованинг дарсларига ўғил-қизлар ўзгача иштиёқ билан тайёргарлик кўради. Мавзуларни тушунтиришда интерфаол услублардан кенг фойдаланиб келаётган ўқитувчининг меҳнатлари самараси ўқувчилар эришаётган ютуқларда ўз аксини топаётир. Жумладан, жорий йилнинг ўзида 2 нафар ўқувчиси фан олимпиадасининг туман босқичида 2- ва 3-ўринларни эгаллаб, кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритди.

Суратда: Жамила Абдурахмонова 9-«Б» синфда машғулот олиб бормоқда.

Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

Ўз вужудунга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен, ўзунгдин истагил.

Алишер Навоий

БЕТАКРОР МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ КОШОНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мусиқий фаввора жойлашган театр майдони тошкентликлар, пойтахтимиз меҳмонлари, турли мамлакатлардан ташриф буюрадиган сайёҳларнинг севимли дам олиш масканига айланган. Театр биносида мумтоз театр иншоотлари ва Шарқ меъморчилиги анъаналари ўзига хос тарзда уйғунлашган. Бинонинг кириш қисмидаги улкан арклари қатор устунлар кўтариб туради. Бу Ўрта Осиё мадрасаларининг айвонларини эслатади. Карнизлар ўрнатилган баланд равоқларга Бухоро минораларига ўхшаш шакллар ўзгача кўрк бахш этади. Меъморий ечимларнинг ранг-баранглиги, пешайвонлардаги нур ва соя алмашинуви ҳамда ғишт деворлардаги сайқалланган мармар жилолари ҳар қандай одамни ҳайратга солади.

Безакли ғишт, мармар зиналар, эман дарахтидан ишланган ўймакор эшиклардан тортиб, нафис галереяаркадалари ва кўзни қамаштирадиган қандилларгача асрий анъаналар намойиши ҳамда кўплаб халқ усталари истеъдоди ва меҳнатининг маҳсулидир. Таъкидлаш керакки, бино интерьери мамлакатимизнинг энг моҳир ҳунармандлари — ганчкорлик санъати намояндалари уста Ширин Муродов, уста Болтаев томонидан безатилган. Театрнинг декоратив-бадиий қиёфасига Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаров томонидан яратилган йирик панно узукка кўз қўйгандек мос тушган. Бино ичкарисидаги суратлар Алишер Навоийнинг ўлмас достонлари асосида ишланган. Томошабинлар зали эса ганчли нақшлар ва оғирлиги уч тоннадан ошадиган маҳобатли биллур қандил билан безатилган.

Театр фойесидан бошланадиган, томошабинлар зали ёнидаги уч қаватда жойлашган Тошкент, Бухоро, Хоразм, Самарқанд, Фарғона ва Термиз залларининг ҳар бири ноёб ва ўзига хосдир. Масалан, Хоразм залидаги оддий геометрик шакллар ўсимликлар билан қўшилиб, ажойиб манзара ҳосил қилган. Самарқанд зали деворларидаги паннода усталар "ислимий" услубидаги икки қатламли ўймакор нақшни қўллаган. Фарғона залидаги безаклар ўзига хослиги ва нақшларнинг хилма-хиллиги билан киши эътиборини тортади. Термиз залини безатишда эса қадимий ганч ўймакорлиги усулларидан кенг фойдаланилган. Бухоро зали бадиий мукаммал бўлиб, унинг ойнаванд юзасидаги ўймакор паннолар кишини ҳайратлантиради.

— Театримиз ўзига хос архитектура дурдонасидир, — дейди Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театр директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Бахтиёр Ёқубов. — Театр биносига кириб, интерьер билан танишишнинг ўзи ҳам кишига бир олам завқ бағишлайди. Балки шунинг учун ҳам театр биноси капитал реконструкция қилинганидан кейин қандай қиёфа акс этиши кўпчиликни қизиқтираётгандир. Бино безагига деярли ўзгартишлар киритилмайди, бироқ у янада замонавий ва гўзал қиёфа касб этади. Биз учун энг муҳими, бу жараёнда театрнинг мафтункорлик сеҳрини сақлаб қолишдир.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузуридаги маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Анормат Тўламетов ҳам театр директорининг фикрларини тасдиқлайди. Унинг маълум қилишича, 2012 йил май ойида бошланган театр биносини капитал реконструкция қилиш ишларига "Rezina Optima Standart" масъулияти чекланган жамияти бош пудратчи этиб белгиланган. Бу ишга 17 пудратчи ташкилотлар жалб қилинган.

— Капитал реконструкция ишлари аниқ жадвал асосида давом этмоқда, 2012 йилга мўлжалланган ишлар ўз вақтида бажарилди, — дейди А.Тўламетов. — Ҳозирги кунда бинода реставрация ишлари олиб борилмоқда, унинг муҳандислик-техник коммуникациялари такомиллаштирилмоқда. Август ойларида, Мустақиллик байрами арафасида таъмирлаш ишларини якунлашни мўлжалламоқдамиз.

Капитал реконструкциялаш ишлари авж олган шу кунларда театр жамоаси томошабинларни ижодий янгиликлар билан хушнуд қилган ҳолда "Туркистон" санъат саройида ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Театр ҳаёти миллий ва жаҳон классикасининг ажойиб опера ва балет спектакллари намойиши ҳамда халқаро даражадаги муваффақиятларга эришиш билан боғлиқ кўплаб қизиқарли воқеаларга бой бўлмоқда. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри солисти Раҳим Мирзакамоловнинг "Competizione dell'Opera" халқаро вокалчилар танловида муваффақиятли иштирок этиб, биринчи ўринни қўлга киритгани ҳам бунинг тасдиғидир.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири

МУЛОҚОТ МУШОАРАГА УЛАНДИ

Шеърият мулкининг султони Алишер Навоийнинг бой меросига дахлдорлик туйғуси олиму тадқиқотчилар, ўқитувчию ўқувчиларни мутафаккир таваллуди арафасида "Шарқ зиёкори" китоблар марказига жамлади.

Навоий — буюк сиймо. Келажак авлод тарбиясида унинг фақат асарлари, боқий фикрларигина эмас, балки шахси ҳам ўрнак сифатида муҳим аҳамият касб этади.

— Бугун ҳазрат Навоий асарларидаги таълим-тарбиявий, ахлоқий жиҳатларни ёшлар қалбига сингдириш масаласига давлат сиёсати даражасида қаралмоқда, — дейди профессор Қосимжон Содиқов.

Ўзаро мулоқот тарзида ўтган кечада ёшларни мутафаккир асарларини асл қўлёзмаларда ўқишни ўргатиш, ёш навоийшуносларни тарбиялаш масаласи ўртага ташланди. Мулоқот мушоарага уланиб кетди.

Соҳиба МУЛЛАЕВА

СЎЗ САНЪАТИНИНГ ГУЛТОЖИ

Аждодларимиз қолдирган бой илмий, маънавий, маданий меросга ҳақиқий ворис бўлиш учун уларни чуқур ўрганишимиз ва ихлос билан амал қилишимиз лозим.

Tadbir

Республика болалар кутубхонасида Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда шу ҳақда сўз борди. «Сўз санъатининг гултожи» деб номланган тадбирда академик лицей ҳамда умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этди. Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти етакчи илмий ходими Қодир Эргашев, адабиётшунос олим Ваҳоб Раҳмонов шоир ижоди ҳақида гапириб, ёшларни адиб асарларини ўрганишга чорлади.

Ўзбек Миллий академик драма театри санъаткорлари ижросидаги саҳна асари ёшларда катта таассурот қолдирди. В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг иқтидорли ўқувчилари ижро этган куй-қўшиқлар ҳам йиғилганларда кўтаринки кайфият уйғотди.

Голиб БАҲРОМОВ,
"Ma'rifat" мухбири

МУТОЛАА МАДАНИЯТИ

талабаларнинг маънавий камолотида муҳим ўрин тутади

Олий таълим вазирлигида «Электрон таълим» миллий тармоғи имкониятларидан фойдаланиб мутолаа маданиятини ошириш» мавзусида видеоконференция ўтказилди. Олий таълим тизимида китобхонлик ҳаракатини тизимли равишда ташкил этишга қаратилган «Китобхонлик байрами» маданий-маърифий тадбирлар доирасида ўтказилган анжуманда 7та олий таълим муассасаси иштирок этди.

Videokonferensiya

Видеоконференцияда бу йўналишда ўтказилаётган тадбирларнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишдаги аҳамияти алоҳида таъкидланди. Шунингдек, мутолаа эзгуликка чорлаши, талабаларнинг Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига аъзо бўлиши ва у ердаги минглаб адабиёт дурдоналаридан, хусусан, олти юз мингдан зиёд электрон китоблардан самарали фойдаланилишини ташкил этишнинг аҳамияти ҳақида ҳам фикр юритилди.

— Мутолаа маданиятини юксалтириш ижтимоий-сиёсий, интеллектуал-маданий тараққиётнинг муҳим ва узвий жиҳати ҳисобланади, — дейди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кафедра мудири М. Бекмуродов. — Мутолаа маданиятини юксалтириш орқали ёшларда интернет ахборотлари, савияси паст мусиқий клиплар ва қўшиқларга қарши маънавий-эстетик дидни шакллантириш мумкин. Қолаверса, китобга ошно бўлган ёшларга «оммавий маданият» таҳдид сололмайди.

Анжуманда ҳудудлардаги иштирокчилар ўз фикр-мулоҳазалари билан видеомулоқотга киришдилар.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

НАВОИЙ ВА ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТИГА БАҒИШЛАНДИ

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети маънавият марказида "Алишер Навоий ижоди — миллий-маънавий хазинамиз" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. "Ёш филолог" ижодий тўгараги билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда адабиётшунос олимлар, ижодкорлар ва талабалар иштирок этди.

Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Кенесбой Каримов "Навоий ва қорақалпоқ адабиёти" мавзуида маъруза қиларкан, буюк шоир ижодининг қорақалпоқ адабиётига таъсири, ўрганилиш аҳамияти, таржима борасидаги тадқиқотлар, кузатиш ва таҳлиллар хусусида сўз юритди. Анжуманда сўз олганлар Навоий ижодининг қардош халқлар адабиётига таъсири, улуғ сўз санъаткорининг жамоат ва давлат арбоби сифатидаги эзгу ишлари, шоир ижодининг умумбашарий моҳияти ҳақида фикрларини баён қилишди.

Тадбирнинг бадиий қисмида талабалар ижросидаги ғазаллар, саҳна кўриниши, мумтоз қўшиқлар даврага кўтаринки руҳ бағишлади. Тадбир факультетлараро навоийхонлик кечалари сифатида давом этмоқда.

Хурсандбек ТЎЛИБОЕВ,
Қорақалпоқ давлат университети ўқитувчиси

Бугунги кунда мамлакатимизда таълим тизимидаги ислоҳотлар самарадорлигини янада оширишда "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида амалга оширилган кенг кўламдаги ишлар муҳим аҳамият касб этаётир. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам республикамизда таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг изчил давом этаётганидан далолат.

ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШ – ЗАМОН ТАЛАБИ

Мазкур қарор ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида чет тилларни ўрганишни янада ривожлантириш бўйича доимий ишлайдиган Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошида ташкил этилган гуруҳлар мутахассислари билан «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбири суҳбатда бўлди.

— Университетимизда бир неча Ишчи гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилган. Шулардан бири Хорижий тиллар бўйича узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартларини такомиллаштириш бўйича иш олиб бормоқда. Биз ишлаб чиққан хорижий тиллар бўйича таълим стандарти оғзаки ва ёзма нутқ амалиёти асосида тузилган. Хусусан, мазкур таълим стандартига нутқни ривожлантиришга мослаштирилган мавзулар киритилди, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг ўқув ишлари бўйича проректори вазифасини бажарувчи Манноб Нишонов. — Бу ерда яна бир эътиборли жиҳат шуки, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртларида чет тилларни касбга йўналтирилган ҳолда ўргатиш масаласи илгари сурилмоқда. Умумтаълим мактабида чет тиллар умумий тарзда ўргатилса, масалан, қишлоқ хўжалигига ихтисослашган коллежда бу фанни ўқитишда йўналишга доир билим, кўникма ва малакалар чуқурроқ шакллантирилади. Мақсад эса ҳар бир талаба ўз касбига тегишли хорижий тиллардаги адабиётларни, интернет маълумотларини ўқиб, тушуниши, мулоқот қила олиш кўникма ва малакаларини шакллантириш, хорижлик мутахассислар билан музокара юрита олишига қаратилган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда 51,7 минг нафардан зиёд чет тили мутахассислари тайёрланган. Уларнинг аксарияти юртимиздаги ўқув муассасаларида фаолият юритмоқда. Шунга қарамай, республикамизнинг узоқ туман ва қишлоқларида чет тиллар ўқитувчиларига эҳтиёж мавжуд. Президентимизнинг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида чет тиллар ўқитувчиларига зарур эҳтиёжи бўлган узоқ туманлар ва қишлоқ аҳоли пунктларида ёшлар ичидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тавсияномалари асосида чет тиллар ўқитувчилари ихтисослигига олий таълим муассасаларига мақсадли қабулни амалга оширишга рухсат этилади.

Айни босқичда университет қошида ташкил этилган Ишчи гуруҳлари томонидан қандай режалар кўзда тутилган? Бу ҳақда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи Ортиқали Суннатов қуйидагиларни гапириб берди:

— Қишлоқ жойларда мутахассислар тақчиллигининг олдини олиш мақсадида Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан ҳамкорликда режалар ишлаб чиқилмоқда. Қолаверса, маҳаллий ҳокимият органлари ҳам бу жараёнга бевосита масъул ҳисобланади. Айни мақсад йўлида жорий ўқув йилида филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) ҳамда хорижий тил ва адабиёти таълим йўналишлари битирувчи талабаларини кадрлар тақчил ҳудудларга жалб этиш юзасидан ишлар бошлаб юборилди. Яна шуниси аҳамиятлики, бу битирувчиларимиз ноанъанавий услубда дарс ўтиш маҳоратига эга.

Бундан ташқари, Президентимизнинг қарорига асосан, мамлакатимизда чет тиллар ўқитувчилари малакасини ошириш, республикамизнинг чекка туман ва қишлоқларида бу борадаги эҳтиёжларни таъминлаш жараёни Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Давлат тест маркази билан келишилган ҳолда амалга оширилмоқда. Ушбу жараён, энг аввало, бизда қанча чет тили ўқитувчилари бор, уларнинг билим савияси қай даражада, қайси ҳудудларда мутахассисларга эҳтиёж сезилмоқда каби қатор таҳлилий жараёнларни аниқлаб олишни тақозо этади. Таҳлилларга асосан, биринчи галда, инглиз тили мутахассислар тақчиллигининг олдини олиш мақсадида ошириш ишларини йўлга қўйдик. Кейинги вазифамиз немис, француз ва испан тиллари бўйича ўқитувчилар малакасини оширишдир. Жумладан, уч босқичли таълим тизимидаги ўқитувчилар малакасини каскад усулида, замонавий методика асосида ташкил этамиз. Шу тариқа мазкур жараён август ойигача давом этади. Хусусан, жорий йил февраль ойида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган 250 нафардан зиёд чет тили ўқитувчилари ЎзДЖТУда малака оширишади. Хорижлик ҳамкасблар билан ҳамкорликда тузилган, ўқувчи ҳамда талабаларнинг билим ва малакаларини умумевропа стандартлари бўйича баҳолаш тизимига яқинлаштирилган ўқув дастурлари асосида тажриба орттирган бу мутахассислар кейинги босқичда жойлардаги бошқа ўқитувчилар учун машғулотлар ўтади.

Qaror va ijro

— Ўқувчиларни чет тилини ўрганишга қизиқтириш мақсадида факультетимиз ўқитувчилари томонидан академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларида французз тилидан очиқ дарслар ўтказилмоқда, семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети француз филологияси факультети кафедра мудири Зулфия Давронова. — Бу каби саъй-ҳаракатларимиз ижобий натижа бериши табиий.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, 2013-2014 ўқув йилидан умумтаълим мактабларининг биринчи синфларида ўйин тарзидаги дарслар ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан эса алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштириш тарзида чет тилини ўргатиш босқичма-босқич бошланади. Бу эса, ўз навбатида, мутахассислар зиммасига янги дарсликлар яратиш, мавжудларини эса янада такомиллаштириш каби масъулиятли вазифани юклайди. Таъкидлаш лозимки, биринчи синфлар учун ўқув-услубий қўлланмалар яратиш, хорижий тиллар ўқитувчилари учун замонавий ўқув-методик қўлланмалар тайёрлаш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Ушбу жараёнда таълимнинг анъанавий услубларидан қочиб, ноанъанавий сабоқ бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Шуни қайд этиш зарурки, университетимизда ноанъанавий услублардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган. Хусусан, инглиз тили амалий курси ва чет тилини ўқитиш методикаси курслари бўйича барча босқич талабалари учун такомиллаштирилган дастурлар яратилган, — дейди университетнинг иккинчи инглиз филологияси факультети декани Жуманазар Матёқубов. — Ушбу дастурларга кўра, талабаларни ижодий, мустақил ва танқидий фикрлашга ундайдиган замонавий методлардан кенг фойдаланилади. Шунингдек, талабаларнинг мустақил таълим олиш кўникмаларини ривожлантирувчи махсус курслар бўлиб, бунда автономлик тушунчаси, вақтни режалаштириш, идрок этиш стратегиялари, хотирани мустаҳкамлаш, жамоа бўлиб ишлаш учун зарур кўникмалар шакллантирилади. Яна бир муҳим босқичлардан бири "Ёзма нутқ малакалари" модули бўлиб, унда талабалар битирув малакавий ишларини ёзишга ўргатилади. Бу эса, ўз навбатида, битирувчиларнинг чет тилларида ёзиш қобилияти шаклланишига хизмат қилади.

Замон шиддат билан тараққий этмоқда. Одамлар ҳам тараққиёт билан ҳамнафас яшашлари шарт. Шу нуқтаи назардан биз замон талаби дея таъриф берган чет тилларни ўрганиш ҳам ҳар биримиз учун муҳим жиҳатлардан биридир. Қарорда таъкидланганидек, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда чет тилларни ўқитиш тизими тубдан қайта кўриб чиқилиши ва кучайтирилиши зарур. Бу борада йўлга қўйилган ишлар ҳам ўз самараси билан муҳимдир. Айтиш мумкинки, чет тилларни мустақил ўрганишни истовчилар talim.uz сайтида электрон дарсликлардан бепул фойдаланиш имконига эга. Қолаверса, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги Республика тил ўқитиш маркази фаолият олиб бормоқда. Ушбу марказда қизиқувчилар ўзлари учун қулай вақтда келиб хорижий тилларни ўрганишлари учун барча имкониятлар мавжуд.

Дарҳақиқат, таълим соҳасида биз эришаётган муваффақиятлар "ўзбек модели"нинг қисқа даврда бераётган самаралари сифатида намоён бўлмоқда. Энг холис баҳо четдан берилган баҳодир. Ана шундай эътирофларга кўра, Ўзбекистон 141 мамлакат орасида инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўйича 35-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса иккинчи ўринни эгаллагани биз учун фахрлидир. Бу эса мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг, таълим-тарбияга қаратилаётган юксак эътиборнинг амалдаги ифодасидир.

Улуғбек АСРОРОВ,
"Туркистон-пресс" мухбири

Чин сўз — мўътабар, яхши сўз — мухтасар.

Yangiliklarda yurt nafasi

Навоий шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройида Алишер Навоий ижодий мероси ва унинг ёшлар таълим-тарбиясидаги ўрнига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, Навоий давлат педагогика институти ҳамда вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари профессор-ўқитувчилари, шеърият мухлислари ва ёшлар иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққанлар улуғ шоир асарлари маънавиятни шакллантирувчи нодир манба эканини алоҳида таъкидлади. Уларни турли шаклда нашр этиш кўламининг кенгайгани ёш авлоднинг бу бебаҳо меросдан янада кўпроқ баҳраманд бўлишига имкон яратади. Шунингдек, шоир номи ва асарлари билан аталувчи кўча ва истироҳат боғлари, маданият саройларини янада обод этишга юксак эътибор қаратилаётгани юртдошларимизга ғурур ва ифтихор бағишламоқда.

Тадбирда Алишер Навоий асарлари асосида саҳна кўринишлари намойиш этилди, шоир ғазаллари билан айтилувчи қўшиқлар янгради.

Ёшлар ижод саройида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, "Meros" Ўзбекистон антиквارлар уюшмаси ҳамкорлигида "Мерос ва замонавийлик" мавзусида халқаро фотокўргазма ташкил этилди.

Ушбу кўргазмадан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг миллий меросимизга эътиборини жалб этиш, ҳурматини янада ошириш, уларнинг бу борада фикрларини ўрганишдан иборатдир.

Кўргазмада мамлакатимиз ҳамда Буюк Британия, Польша, Япония, Беларусь, Қозоғистон, Россия каби ўнга яқин давлат фотоижодкорларининг 270дан ортиқ ижодий ишлари намойиш этилмоқда. Уларда ёш фоторассомларнинг миллий мерос, умрбоқий анъана ва қадриятлар, маданият ва маънавият, она табиатга бўлган қараш ва муносабатлари ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Алишер Навоий асарлари нафақат ўзбек халқи, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки эканлиги таъкидланди. Навоий шеъриятида халқ ҳаётининг турли жабҳалари чуқур акс эттирилган. Шоир шеъриятининг тинчликсеварлик ва ҳамжиҳатлик ғоялари билан йўғрилган, инсонни ёвузлик ва жаҳолатга қарши курашга чорлайди. Шу тарика инсонпарварлик ғоялари таранним этилади.

Мазкур тадбир ҳам ўзбек халқининг буюк мутафаккир шоири ижодига бўлган қизиқишни янада кучайтириш, ёшларни унинг бебаҳо мероси билан кенг таништиришга қаратилди.

Тадбир қатнашчиларига Савдо-саноат палатаси телестудияси томонидан махсус тайёрланган "Навоийни англаш" фильми намойиш этилди. Шунингдек, Алишер Навоий ижодига бағишланган викторина ўтказилди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва БМТ Тараққиёт дастурининг ҳамкорлиги самараларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва БМТ Тараққиёт дастури ўртасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид англашув меморандуми имзоланди.

Меморандум доирасида мутахассисларнинг ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича малакасини ошириш, кутубхона хизматини такомиллаштириш, инновацион технологиялардан оқилона фойдаланиш, кутубхонада имконияти чекланган инсонларга хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, ёшларнинг мутолаа маданиятини юксалтиришга оид турли тадбирлар, семинарлар, давра суҳбатлари ташкил этилади.

ЎзА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

Муҳим масалалар муҳокамаси

Ҳамза туманидаги 151-мактабда Президентимизнинг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Tadbir

Даставвал, туман ХТМФМТТЭ бўлими хорижий тиллар методисти Дилноза Раҳмонова йиғилганларга қарор моҳиятини тушунтириб берди. Анжуманда 2013-2014 ўқув йилидан 1-синфларда ҳам чет тили соатлари ажратилиши муносабати билан мутахассис ўқитувчиларга бўлган талабнинг ортиши каби масалалар кўриб чиқилди. Дарсларда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали ёш авлодни чет тилларни ўрганишга қизиқтириш вазифалари иштирокчилар диққат марказида бўлди. Ўзаро тажриба алмашиш мақсадида илғор тажрибали педагогларнинг дарс намуналари йиғилганлар эътиборига ҳавола қилинди.

Фируза АСЛОНОВА,
Ҳамза туманидаги 215-мактаб ўқитувчиси

Шеъриятга ошуфта кўнгиллар

Навоий шаҳридаги 12-умумий ўрта таълим мактабида ўтказилган "Алишер Навоий — умумбашарият эътироф этган улуғ шоир ва мутафаккир" мавзусидаги илмий-амалий анжуман ўқувчиларда буюк алломанинг илмий-адабий мероси ва давлат арбоби сифатидаги фаолиятини ўрганишга иштиёқни кучайтиришга бағишланди.

Байрамона руҳда безатилган билим даргоҳига ташриф буюрган иштирокчилар дастлаб дарс машғулотлари ва синфдан ташқари маънавий-маърифий ишларни кузатишди. Синф хоналарининг ҳассос шоир ҳаёти ва ижоди акс эттирилган ўзбек, рус, инглиз тилларидаги деворий газеталар билан безатилгани кўпчиликнинг эътиборини тортди. Шундан сўнг Навоий ижодини ўрганиш юзасидан синфлараро уюштирилган баҳс-мунозарага ўрин берилди.

Меҳмонлар тадбир сўнгида "Шеъриятга ошуфта кўнгил" дея номланган адабий-бадиий дастурда ўқувчиларнинг улуғ шоир асарларидаги қаҳрамонлар сиймосини саҳнада яратиши, ғазалларни мароқ билан ёд ўқиши, мумтоз куй-қўшиқларни севиб ижро этишини юқори баҳолашди.

Ўғилой ТИРКАШЕВА,
Навоий вилоят халқ таълими бошқармаси методисти

Қиз боланинг касби – унинг бахти

Ғиждувон туманидаги 37-умумтаълим мактабида «Қиз боланинг касби – унинг бахти» мавзусида 9-синф битирувчиларининг оналари учун йиғилиш ўтказилди.

Тадбирда қизларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиш, шунингдек, уларнинг эркин касб танлашларига имконият яратиш зарурлиги хусусида сўз борди. Оналар йиғилишида оилада маънавий-ахлоқий етук, жисмоний-психологик соғлом шахсни тарбиялаш катта масъулият талаб қилиши алоҳида таъкидланди.

Мактаб ҳаётида фаол иштирок этиб келаётган бир гуруҳ оналар тақдирланди.

Рамиз ВАЛИЕВ,
ЎзДЖТУ талабаси

Осойишта ҳаётимиз асоси

Ўзбекистон Миллий университетида «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси ва Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш муаммолари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Davra suhbati

Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси томонидан Давлат бошқаруви академияси ҳамда университет ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбати минтақанинг долзарб муаммолари ва уларни ҳал этиш йўлларининг муҳокамасига бағишланди.

— Бугунги тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистон ўзининг яқин қўшнилари билан муносабатларда доимо очиқ, дўстона ва прагматик сиёсат юритиш тарафдори бўлиб келган. Минтақадаги долзарб сиёсий, иқтисодий ва экологик муаммолар давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилиши концепцияда ўз аксини топган. Унинг мазмун-моҳиятини талабаларга чуқур ўргатиш осойишта ҳаётимизни таъминлашга замин яратади, — дейди ЎзМУнинг «Сиёсатшунослик» кафедраси катта ўқитувчиси Энахон Нишонбоева.

Давра суҳбати давомида минтақавий ва халқаро сиёсатнинг энг муҳим йўналишлари, хусусан, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишга кўмаклашиш, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш, трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш бўйича Ўзбекистоннинг халқаро ташаббусларини илгари суриш ҳамда амалга ошириш масалалари муҳокамалар марказида бўлди.

Назокат ХОЛМЕТОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Сифатли таълим сари

Қибрай туманидаги 25-умумтаълим мактабида география фани ўқитувчилари иштирокида "Мустақил юрт педагоглари сифатли таълим сари" шиори остида семинар бўлиб ўтди.

Seminar

Тадбирда илғор тажрибали устоз Н.Пахрутдинов география фани тарихи ва бугуни ҳақида ёш педагогларга маъруза ўқиди. Шундан сўнг география фани ўқитувчиси Аҳрор Ҳамзаевнинг "Осиё мамлакатлари аҳолиси" мавзусидаги очиқ дарси муҳокама қилинди. Инновацион усул, мультимедиа воситалари асосидаги ушбу дарс юзасидан йиғилиш қатнашчиларининг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Гулюз ОРИФЖОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Ёшлар касб-ҳунарга йўналтирилмоқда

Бугунги кунда таълим муассасаси—оила—маҳалла ҳамкорлигининг асосини ёшларнинг касб-ҳунар эгаллашига кўмаклашиш ташкил этмоқда. Ана шу ҳамкорлик натижасида касб-ҳунар коллежларида «Очиқ эшиклар куни» тадбирлари ўтказилиб келинмоқда.

Бундай тадбирларда умумтаълим мактаби битирувчилари таълим муассасасидаги ўқитиш жараёни, яратилган шароитлар, мутахассисликлар билан яқиндан танишиб бормоқдалар.

Таълим муассасамизда ҳам бу каби тадбирлар мунтазам ўтказилади. Ёшлар орасида саноат, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига қизиқиш тобора ортиб бораяпти. Коллежимиз шу соҳаларга йўналтирилгани учун ҳам бу ерда таълим олиб, касб-ҳунарли бўлишни хоҳловчи ўғил-қизлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Мактаблардан ташриф буюрган ўқувчиларнинг шарт-шароитлар билан танишиши учун имконият яратилган.

Сўнгги пайтларда ўқувчиларнинг ота-оналари билан келиб ўзларига мос касбни танлаётгани ва шу ернинг ўзида қатъий қарорга келаётгани қувонарли ҳол, албатта. Бу эса ёшларнинг пухта билим олиш фаровон ҳаёт асоси эканини бугунданоқ англаётганидан далолат беради.

Дониёр МАМАТОВ,
Ўрта Чирчиқ туманидаги саноат ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

умумтаълим муассасалари бошқарувида муҳим аҳамиятга эга

Дастлабки ижобий бурилиш

Мактабга энди директор бўлиб келган пайтларим эди. 8-синфлардан бирида синф раҳбари беш марта алмашгани туфайли тартиб-интизом йўқолиб, гуруҳни бошқариб бўлмайдиган ҳолга келиб қолган экан. Хусусан, давомат паст, болаларнинг ўзлаштириши қониқарсиз, тартиб-интизом йўқолган. Энг ёмони, бу зарбоф тўнга ярашмаган ямоқдай бутун мактаб муҳитига таъсир кўрсатаётган эди. Бундай муаммоларни ҳал этиш янги раҳбарнинг биринчи навбатдаги вазифаси. Чунки у жамоада ўз ўрнини топиши, обрў-эътибор қозониши учун мавжуд камчиликларни тузатиб, бошқарувда ижобий бурилиш ясай олиши керак-да. Аммо масала қандай ечилади?

Бир қарорга келиш учун вазиятни обдон ўргандим, тажрибали ўқитувчилар маслаҳатига қулоқ тутдим, ўйладим, фикран чамаладим. Ниҳоят, синфга қатиққўл ўқитувчини раҳбар этиб тайинладик, ота-оналарни ҳам ёрдамга чақирдик. Ахир, улар ҳам фарзандлари тақдиридан безовта-да. Синф раҳбари болаларнинг давомати, интизоми билан жиддий шуғулланди. Ота-оналар навбат билан дарсларда иштирок этиб, ўғил-қизларининг мавзуларни ўзлаштириши, тенгқурлари олдида ўзини тутишини бевосита кузатиб борди. Бу муассасада жамоатчилик назоратини ҳам таъминлади. Яъни, ўқитувчилар ота-оналар олдида хижолат чекиб қолмаслик учун дарсларга олдингидан-да жиддийроқ ҳозирлик кўра бошлади. Машғулотларни холис баҳолаш, педагогларнинг ўзига хос рейтингини белгилаш учун кузатувчи ота-оналарнинг шахсий фикрларини ёзма равишда баён этиши учун шароит яратилди.

Ҳатто, кўча-кўйда шундай мулоқотларга гувоҳ бўлдик:

— Умиджон сизнинг ўғлингизми?

— Ҳа.

— Хафа бўлманг-у, ўғлингиз дарсда бошқаларга халал бериб ўтирар экан. Кеча физика муаллимининг дарсида буни ўз кўзим билан кўрдим...

Бундай гапни эшитмаслик учун ота-оналар фарзандининг ўзлаштириши билан қизиқа бошлади. Ҳа, улар ўз-ўзини тартибга чақирди. Натижада ушбу синф энг интизомлилар қаторида мактабни тамомлади. Ҳозир ҳам ота-оналарга ҳар бир дарсни бевосита кузатиб бориш имкониятини яратиб берганмиз.

Шахсий ибрат

Ўзим ўқитувчи оиласида вояга етдим. Отам ҳам мактаб директори бўлган. У киши умумтаълим даргоҳида соғлом ижодий муҳит яратиш, таълим-тарбия сифатини ошириш муассаса раҳбарининг долзарб вазифаси эканини доимо такрорларди. Ўқитувчилардан 15—20 дақиқа олдин мактабда ҳозир бўлиб, аввало, педагогларнинг дарсга тайёргарлиги билан танишар ва ҳаммадан сўнг уйга қайтарди.

Ҳақиқатан, раҳбар ишга бемалол келган мактабда тартиб-интизом бўлмайди. Шу боис фаолиятимнинг дастлабки кунларида педагоглар қай пайтда дарсга келаётгани, касб интизомига қанчалик риоя этаётганини билиш учун ишга вақтлироқ келиб, уларни дарвоза олдида қарши олдим. Айрим ўқитувчилар 20 дақиқа, айримлари ярим соатгача кечикиб келди. Бу биринчи соат дарс ўтилмади деганидир. Назоратни кучайтирганимиздан сўнг вазият ўнгланди. Чунки улар дарвоза олдида директор турганини билишарди.

Бундан ташқари, ходимнинг сабабсиз дарс қолдирган кунларидаги иш ҳақини унинг ўрнига дарс ўтган ўқитувчи ҳисобига ўтказиш тўғрисида махсус буйруқ чиқардик. Педагоглар ҳужжат билан танишиб, қўл қўйиб берди. Баъзи масъуллиятсиз ходимлар 2-3 марта молиявий жазо олгандан кейин ушбу буйруқ шунчаки «пўписа» эмаслигини англаб етгач, сабабсиз кечикиш, дарс қолдириш ҳолатларига барҳам берилди.

Раҳбарнинг доимо мактабда бўлиши ўқитувчиларда масъулият ҳиссини оширади, ўқувчилар ҳам тартибга кела бошлайди.

Кўпинча бўш вақтим бўлди дегунча методбирлашма ходимларини чақириб, суҳбатлар ўтказиб тураман. Бу уларнинг дарсларга доимо тайёр ҳолатда бўлишини таъминлайди. Ўқув дастурларида белгиланган вазифалар ижроси тўлиқ таъминланиши учун баъзида шундай йўл тутиш ҳам лозим.

Ўқувчи — кўзгу

Ўқитувчининг маҳорати, дарсларни қанчалик самарали ўтаётгани ўқувчи ўзлаштиришида акс этиб туради. Шу нуқтаи назардан ўғил-қизлар ўртасида ҳар чорак якунида тест сўровлари ўтказамиз. Бош мақсад педагог фаолиятидан камчилик ахтариш эмас, балки муаммони ўз вақтида ҳал этишдир. Бу усул болаларнинг билим кўрсаткичини аниқлашда, ўқитувчилар фаолиятини чуқур таҳлил этишда қўл келмоқда. Тест натижасида аниқланган айрим мавзуларга оид бўшлиқларни кейинги дарсларда тўлдириш чоралари кўрилади.

Maktab muhiti

Шу тариқа ўқитувчилар рейтинги аниқланиб, юқори натижа кўрсатганлари ҳар чоракда директор жамғармаси ҳисобидан моддий рағбатлантириб борилади.

Ишга масъулиятини ошириш, лоқайдлик кайфиятини йўқотиш учун зарур бўлганда яхши кўрсаткичга эриша олмаётган ходимларга огоҳлантириш бердик, педагогик кенгашларда фаолиятини холисона танқид қилдик. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам ўқитувчининг кўнглини оғритмаслик учун жазолашнинг энг мақбул усулини қўллашга интиламиз. Токи жазо ўқитувчининг иштиёқини сўндирмасин, аксинча, фаолиятини қайта кўриб чиқиб, янада жонлантиришга куч берсин.

Бу каби чора-тадбирлар самараси ўлароқ, ўтган йилларда билимлар беллашувининг республика босқичида 5 нафар ўқувчимиз фаол иштирок этди. Ютуқлари вилоят халқ таълими бошқармаси ва шаҳар ХТМФМТТЭ бўлимининг фахрий ёрлиқлари билан мунтазам рағбатлантириб борилаётгани уларни янги ютуқларга ундаяпти.

Рағбатнинг ҳам, интизомий чоранинг ҳам усули, йўли кўп. Тажрибамдан шуни англаб етдимки, мавжуд шароитдан келиб чиқиб, индивидуал тартибда кўрилган чора уларнинг энг мақбулидир.

Олим МИРБАРАТОВ,
Гулистон шаҳридаги 6-умумтаълим мактаби директори

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ САМАРАЛАРИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ўсиб келаётган ёш авлодни билимли, юксак тафаккур ва маънавият соҳиблари этиб вояга етказиш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самарасини бераётир. Халқаро ва нуфузли фан олимпиадаларида юртимиз вакилларининг муносиб иштирок этаётгани бунинг далилидир.

Дарҳақиқат, юртимизда кенг дунёқарашга эга баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш билан бирга, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон болаларнинг ҳам таълим-тарбия олишлари учун жиддий эътибор қаратилаётир.

Инклюзив таълим усули алоҳида ёрдамга муҳтож болаларнинг соғлом тенгдошлари билан тенг шароитларда ўқиши, улар билан ўзаро дўстона муносабатда бўлиши ҳамда жамиятга ижтимоий мослашувини енгиллаштиришда муҳим ўрин тутади. Навоий шаҳридаги 26-мактабгача таълим муассасасида ҳам кўп йиллардан буён ушбу тажриба қўллаб келинмоқда.

— Муассасамизда соғлом болалар билан бирга таянч-ҳаракат аъзоларида ва нутқида нуқсони бор, заиф эшитувчи ва кўрувчи болалар ҳам тарбияланаётир, — дейди мазкур боғча мудираси вазифасини бажарувчи Латофат Ражабова. — Айни пайтда фикрлаш ва ўзини тутиш жиҳатидан болалар орасида деярли тафовут сезилмайди. Баъзида жисмоний нуқсони бор болалар ҳам турли машғулот ва ўйинлар жараёнида ўзидаги камчиликни унутиб юборади. Бу уларнинг онгида мослашув ҳисси пайдо бўлаётганини кўрсатади.

Иш фаолиятимизда таълимнинг мазкур тури мазмунини оммага етказиш мақсадида тушунтириш ишларини олиб бормоқдамиз.

Ушбу масканда тарбияланаётган имконияти чекланган болалар соғлом тенгдошлари билан бирга ўйнаб, машғулотларда қатнашмоқда, ўз ўзига хизмат қилишни ўрганмоқда. Энг асосийси, дефектолог, тарбиячи, шифокор ва психологларнинг доимий назорати, махсус машғулотлар, тиббий муолажалар ёрдамида соғлом болалар каби жамоага қўшилиб, ижтимоий мослашуви тезлашмоқда.

Улар ҳам дидактик ва ҳаракатли, сюжетли-ролли ўйинларда, оммавий тадбирларда, спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, топшириқларни дўстларидек бажаришга интилаяпти. Бу ҳам инклюзив таълимнинг юксак самарасидир. Муассасада бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш учун ота-оналар, маҳалла фаоллари, психологлар ва бошқа мутахассислар иштирокида очиқ эшиклар куни, давра суҳбатлари, тренинглар ўтказиш мунтазам йўлга қўйилган.

Инклюзив таълимнинг боғчалардан бошлаб йўлга қўйилаётганлиги муҳим аҳамиятга эга. Бу умумтаълим мактабларида таҳсил олишда ақлий ва жисмоний нуқсони бор болаларда тенгдошлари қатори дарсларни ўз вақтида ўзлаштириш, топшириқларга масъулият билан ёндашиш кўникмасини шакллантиришга кўмаклашмоқда.

— Мактабимизда инклюзив таълим асосида ўқитиш йўлга қўйилган, — дейди шаҳардаги 12-умумтаълим мактаби директори Азамат Азимов. — Синфдошлари билан дўстона муносабатда вояга етаётган болалар дарсларни ўз вақтида ўзлаштиришга эришмоқда. Махсус машқлар ҳамда қўшимча машғулотлар самарасида хотираси ёки эшитиш қобилияти заиф ўқувчиларда сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда. Айни вақтда уйда таълим олувчи ногирон болаларни белгиланган муддатларда умумий дарс машғулотларига жалб қилишни мўлжалламоқдамиз.

Инклюзив таълим муҳитида нуқсонли болаларнинг заиф жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, қобилиятига қараб машғулотлар олиб борилади. Шунда боланинг жамоада маданий-гигиеник кўникмаларни ўзлаштириши, ижтимоий мослашуви тезлашади. Энг муҳими, имконияти чекланган болалар ҳам ўзларининг жамиятнинг тенг аъзоси эканлигини ҳис этиб яшайди.

Нуриддин РАҲИМОВ,
ЎзА мухбири

Илм ила менга то бўлди маҳал,
Топилмас муҳкуле мен қилмаган ҳал.

ИНДИВИДУАЛ ЁНДАШУВ

ўқувчилар орасида соғлом муҳитни яратишда синф раҳбарига қўл келади

Ўқувчини синф раҳбаричалик яхши биладиган ўқитувчи бўлмаса керак. Унда ҳар бир болани индивидуал тарзда ўрганиш имкони мавжуд.

Индивидуал ёндашув орқали болаларнинг имконият ва қобилиятига қараб топшириқлар бериш, шахсий сифатларини қамраб олган ҳолда махсус педагогик вазиятларни яратиш, якка ҳолда суҳбатлашиш, ўз хулқини тўғрилашга, ҳис-ҳаяжонини бошқаришга ўргатиш, тенгқурлари ва катта ёшлилар билан муносабатларини шакллантириш мумкин.

Синф раҳбари бунинг учун ўқувчининг ёши, оилавий муҳити, соғлиғи, имкониятлари, қуйи синфдаги баҳолари билан танишиши керак. Боланинг оиладаги, синфдаги, кўчадаги хатти-ҳаракатлари кузатилиб ҳамда психолог ташхисига қараб, ижобий ва салбий томонлари, мулоқот эҳтиёжлари аниқланади. Тўпланган маълумотлар ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатлардаги айрим тўсиқларни олиб ташлашга кўмаклашади.

Ўсмирлар билан (5—8-синфлар) ишлашда айрим объектив ва субъектив жиҳатларга дуч келамиз. Психологлар бу ёшдаги ўғил-қизларда нозик физиологик ва руҳий ҳолатлар кузатилишини таъкидлайдилар. Катталар оламига ўтиш даврида ўсмирлик автономияси ҳуқуқий, маконий, эмоционал кўринишда намоён бўлади.

Ҳуқуқий автономия. Бола ўсмирлик ёшига етиши билан унга ўзига хос ҳуқуқий имкониятлар берилиши зарур. Бу даврда у ўзлигини англаб, ҳақини талаб қила бошлайди. Ҳуқуқий автономияга эга бўлиш ўсмирда ўз хатти-ҳаракати учун жавобгарлик, масъулиятлилик ҳиссини юзага келтиради.

Эмоционал автономия. Ўсмирларга катталар томонидан аввал кўрсатилган илтифот, эркалашлар эриш туюлади. Энди улар ҳиссий қўллаб-қувватлашлардан холироқ бўлишга, ўз муаммоларини ўзлари ҳал этишга интиладилар.

Маконий автономия. Ўсмир ёлғиз қолишга, муайян ишни бажараётган вақтда имкон қадар танҳо бўлишга, ота-онаси, оила аъзолари назаридан қочишга, ўз ўй-хаёллари билан машғул бўлиб, вақт ўтказишга интилади.

Ўсмир руҳиятида характерли хусусиятлар кузатилади: ўта таъсирчан, жиззаки, кўрс, сал нарсага аразлайдиган бўлиб қолади. Бу даврда синф раҳбари ўқувчисини кўпроқ назорат қилиши, у билан дўстона муносабат ўрнатиши зарур. Улар билан ишлашда тарбиявий мақсадга йўналтирилган тренингларни қўллаб келмоқдаман.

"У ким?" ўйини

Ўйин қоидаси. Ўқувчилардан бири синфхонадан ташқарига чиқади. Бу вақтда ўқувчиларга синфдошларидан бирининг шахсий сифатларини ўйлаш топшириғи берилади. Ташқарига чиққан ўқувчи чақирилади, ўқувчилар кимнингдир шахсий сифатларини баён қилишади. Масалан: чаққон, қизиқувчан, математика фанини яхши билади, ҳамма билан ўртоқ, аммо қайсар. Ташқарига чиққан ўқувчи унинг кимлигини топиши керак. Ўйин шу тарзда давом эттирилади.

Синф раҳбари: — Сизга ўртоқларингиз берган таърифни эшитдингиз. Энди эса ўзингиз бехабар баъзи салбий одатларингиз ҳақида қуйидаги ўйин орқали билиб оласиз.

"Менинг салбий томонларим" ўйини

Ўйин қоидаси. Ҳар бир ўқувчига оқ қоғоз берилади. Ўқувчилар унга ўз исм-фамилияларини ёзадилар. Сўнгра синфдошлари қоғоз эгасининг юзига айтолмаган камчилик-нуқсонларини ёзиб, қоғозни галма-галдан буклаб, кейинги иштирокчига узатади. Ўйин қоғоз ўз эгасига етиб келгунига қадар давом этади.

Синф раҳбари: — Ҳар бирингиз ўз варағингизни олдингиз. Камчиликлар ўзингизга сезилмаслиги мумкин. Синфдошларингизнинг сиз ҳақингиздаги фикрларини билиб олиб, нуқсонларингизни бартараф этишга ҳаракат қилинг.

"Ўқувчи дунёқараши" тест-анкетаси

Синф жамоаси ўртасида мактаб ҳаётини янада яхшилашга қаратилган тест-анкета ўтказилади. Синф раҳбари тузган саволларга ўқувчилар жавоб ёзишади. Олинган натижаларни таҳлил қилган синф раҳбари ўқувчилар ўртасида қандай мавзуда тадбирлар ўтказиш кераклиги, уларнинг иқтидорини ривожлантириш имкониятларини аниқлайди.

Синф раҳбари индивидуал ёндашувга асосланган тренинг машқлар асосида ўқувчилар орасидаги ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик муҳитини қарор топтириши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, таълим жараёнига ижобий таъсир кўрсатади.

Анора АБДУРАСУЛОВА,
Булоқбоши туманидаги
6-умумтаълим мактаби
ўқитувчиси

Sinab ko'ring

ИНТЕРФАОЛ МАШҒУЛОТЛАР

кутубхонада жўшқин фаолиятни юзага келтиради

Кутубхоначи кундалик фаолиятида ёш китобхонни тарбиялаб, интеллектуал билимларини ривожлантириши, АРМ ресурсларида зарур йўналишларни эркин топишга ўргатиши зарур. Шу билан бирга, янги интерактив машғулотларни ишлаб чиқиш ва ташкил этиш – АРМ мутахассислари ижодий фаолиятидаги истиқболли, энг асосийси, ҳар томонлама самарали йўналишлардан саналади. Интерактив ва дидактик ўйинлар педагогларнинг болаларга таълим-тарбия бериш жараёнини тўлдириш, бойитиш хусусиятига эга.

АРМда интерактив машғулот методлари бир неча турга бўлинади: тренинг, викторина, мусобақа, ролли ўйин, овоз чиқариб ўқиш, суҳбат, ақлий ҳужум, конференция, ахборот саводхонлигини ва ўқиш маданиятини шакллантириш бўйича кутубхона дарслари, мунозара, театрлаштирилган томоша. Машғулотда фойдаланиш мумкин бўлган қўшимча интеллектуал воситалар: ребус, чайнворд, кроссворд, топишмоқ, импровизация.

Машғулотлар барча ўқувчиларга мос бўлиши билан бирга, ота-оналарни ҳам фаол кузатувчига айлантириши керак.

Бошланғич ва ўрта синфлар ўқувчилари учун "Севимли эртак қаҳрамонларимиз" мавзусидаги интерфаол ўйин ва машғулот тартиби билан танишинг.

Иштирокчилар — 25 киши. Белгиланган вақт — 45 дақиқа. Машғулотни АРМ кутубхоначиси педагог билан ҳамкорликда ўтказади.

ТАЪРИФИНИ КЕЛТИР!

Иштирокчилар доира ҳосил қилиб, тик туради. Юмшоқ ўйинчоқни АРМ ходими ўқувчилардан бирига ирғитиб, унинг исмини айтади. Даврада турганлар ўша боланинг таърифини галма-гал айтиб, юмшоқ ўйинчоқни илиб олиши керак. Ўйин 5—7 дақиқа давом этади.

Беллашувга ўхшаб кетадиган ўйинда китобхонларнинг ҳозиржавоблиги, сўзга чечанлиги, ўз тенгқурига нисбатан самимий муносабати аниқланади.

ТЕЛЕГРАММА

5—10 дақиқага мўлжалланган. Фойдаланиладиган жиҳозлар — ватман, қалам, маркер.

Икки ёки учта жамоага бўлинган ўқувчилар ўз севимли эртак қаҳрамонларига табрик телеграммалари матнини ёзиши керак.

Баҳолашда сарфланган вақт, телеграмма мазмуни, юмор ҳисси, ижодкорлик, энг асосийси, танланган қаҳрамон ҳисобга олинади.

8 МАРТ

Эртаклар мамлакатида 8 март байрами нишонланмоқда. Ўйин шарти — машҳур эртак қаҳрамонлари (Қор маликаси, Қорқиз, Зумрад, Қиммат, Ялмоғиз) учун табрикнома ёзиш. Жамоа иккига бўлингани маъқул. АРМ ходими ҳар икки гуруҳга ватман, қалам, маркер бериб, 10 дақиқа вақт ажратади.

Ўйинни хулосалашда жамоа аъзоларининг одоб қоидаларига риоя қилиши, ўз қаҳрамонларига хайрихоҳлиги, юмор ҳисси, қаҳрамонини қай даражада билиши ҳисобга олинади.

СЕҲРЛИ ДОРИ

Оқ қоғозлар, рангли қоғоз, қалам, маркер, қайчи ва елим керак бўлади. 10 дақиқа етарли.

Жаҳлдорлик ва қўполлик кишиларнинг ўзаро муносабатларида ҳамиша қораланади. Уларга қарши қандай курашиш керак? Ўйинда ана шу саволга жавоб изланади. Ўқувчилар қаҳрғазабни йўқотиш учун ўз «доридармон»ларини тавсия этадилар. Ялмоғиз кампир, Алвасти, Дев, Бўри ва бошқа эртак қаҳрамонлари учун дорилар номи, таркиби қоғозга қайд этилгач, шакли ва тахлами қандай кўринишда бўлиши расм орқали ифодаланади.

АФАНДИНИНГ ҚОПИ

Бу ўйинга 5—10 дақиқа ажратилади. Насриддин афанди эртак қаҳрамонларига совға-салом юбориши керак. Лекин у тасодифан ўз халтасини йўқотиб қўйди. Унда бир эртак қаҳрамонидан бошқа эртак қаҳрамонига битилган байрам табрикномалари бор эди. Буратинодан Қовоқвойга, Кулойимдан Зумрадга, Малика Шаҳризодадан Шаҳзода Гвидонга, Пеппидан Хурмача полвонга, Қимматдан Қор маликасига ёзилган табрикномаларни тиклашга ёрдам беринг.

Ўйинни хулосалашда муаллифларнинг тасаввури баҳоланади.

Шу каби интерфаол машғулотлар билан Абдулла Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИнинг ахборот-ресурс маркази томонидан ҳар ойда avloniy.uz, avloniy-library.uz сайтларида ўтказиладиган онлайн форумларда иштирок этиб, танишишингиз мумкин. 2013 йил февраль ойида АРМ ходимлари ва мактаб кутубхоначилари учун "Ахборот-ресурс маркази қошида инглиз тили ўргатиш бўйича клублар ташкил этиш" мавзусида онлайн-мулоқот бўлиб ўтади. Форумда ўз тажрибангиз ва фикр-мулоҳазаларингиз билан қатнашишингиз мумкин.

София НУРИДДИНОВА,
Абдулла Авлоний номидаги
ХТХҚТМОМИнинг
АРМ раҳбари

КАСБ ТАНЛАШДА КЎМАК ЗАРУР

Пойтахтимиздаги 269-мактабда "Қиз боланинг касби – унинг бахти" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мактаб битирувчиларини иқтидори ва лаёқатига қараб академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига йўналтириш, қиз болаларнинг касб танлаши учун оилада етарли шароит яратиш, уларда касбга нисбатан қизиқиш уйғотишнинг аҳамияти хусусида фикр билдирдилар. Шунингдек, эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари юзасидан фикр алмашилди.

Мактаб ва туманда ўтказилган олимпиада ва билимлар беллашувларида ғолиб чиққан, жамоат ишларида фаол бўлган ўқувчиларнинг оналарига фахрий ёрлиқлар топширилди.

А.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

2013-yil – Obod turmush yili

Кўтчиликнинг фикрича, кенг ва равон кўчалар, саранжом-саришта маҳаллалар, кўркам ва замонавий турaржой бинолари, қатор қилиб экилган мевали ва манзарали дарахтлар ободликдан нишона. Аслида ҳам шундай. Булар ободликнинг, фаровонликнинг умумий кўринишларидир. Унинг ҳақиқий негизини ибратли оилалар мисолида кўриш ҳам ўринли бўлса керак. Истиқомат қиладиган маҳалла, турaржойида бир-бирига суянчиқ ва ҳамкор бўлиб, фарзанд тарбиясида муваффақият қозониб келаётган, уй-рўзғорини тўкис ва фаровон қилаётган оила соҳиблари «ободлик» тушунчасини жуда кенг маъноси билан изоҳлайдилар.

ФАРОВОН ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Биринчи жуфтлик: Ургенчбой Қантарбоев, Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида жойлашган аэропорт авиадиспетчери (71 ёш), Кулаш Сугербоева, тиббиёт ҳамшираси (64 ёш).

— 1967 йили оила қурганмиз. Албатта, келин-куёвнинг бир-бирини тушуниши ва оилавий ҳаётга мослашиши учун маълум муддат керак. Эрхотин тўйга қадар бир-бирини сиртдан билган бўлса, никоҳдан сўнг жуфтингни ҳар томонлама ўргана бошлайсан. Кулаш ишдан қайтганимда мени очиқ чеҳра билан кутиб олар, дастурхонга мазали таом келтириб, кайфиятимни кўтарарди. Кийим-кечакларим дазмолланган, оёқ кийимим ҳам тоза-озода.

Қишлоқ врачлик пунктида ҳамшира бўлиб ишлайдиган аёлим рўзғор юмушларини кўнгилдагидек уддалаши туфайли оиламизга файз-барака олиб кирди. Оила қурган дастлабки йилларимиз, етишмовчилик ва қийинчиликларга дуч келганда, бир-биримизни тушунишга, оқилона ечим топишга ҳаракат қилдик. Биринкетин туғилган тўрт ўғил, икки қизимизни оқ ювиб, оқ тараш, тарбиялаш ҳам асосан онасининг зиммасида бўлди. Уларнинг ҳаммасини касб-корли қилиб, уйлантирдик, турмушга узатдик.

— Турмуш ўртоғим оққўнгил, оилапарвар инсон. Ҳаво йўллари хизматида узлуксиз меҳнат қилиб келади. Топгани — рўзғоримизга. Айрим «кўча хандон — уй зиндон» тоифасидаги эркаклар сингари пулни ҳуда-беҳудага сарфламайди. Ишлаб топилган пулни ўз ўрнида сарфлаш оилага фаровонлик бағишлар экан.

Иккинчи жуфтлик: Абдумажид Омонов, Самарқанд вилояти саломатликни тиклаш шифохонаси стоматологи (68 ёш), Мавсума Тоғаева, пенсионер (58 ёш).

— Оила қурганимизга 43 йил бўлди. Бу давр мобайнида бошимиздан ўтказган қийинчиликлар худди кино тасмасидек кўз ўнгимдан ўтиб туради. Оиланинг обрўси ва шаънини, фаровонлигини нима таъминлайди, деб сўрашса, қийинчилик туғилганда мардонавор енгиш эканлигини таъкидлаган бўлардим. Турмуш, халқимиз таъбири билан айтганда, «тош келса кемириш, сув келса симириш»дир. Шахсий уй-жойимиз бўлмаган дастлабки йилларда ижарага яшаганмиз. Йиғиб-териб, тежаб-тергаб, уй-жой ҳам тикладик, фарзандларимизни тарбияладик, ўқитдик. Уларнинг болалари — невараларимиз 9 нафар бўлиб, бобо-момолик бахтига эришдик. Бош омон бўлса, дўппи топилар, деганларидек, оилада эр-хотиннинг бир-бирини тушуниши, кечиримли бўлиши, етти ўлчаб бир кесиши турмушга мазмун бағишлаб, қут-барака келтирар экан.

— Турмуш ўртоғимнинг тўғрилиги, ҳалоллиги, ҳар бир масалада чуқур фикрлаши менга ҳам ижобий таъсир ўтказган. Содиқ дўст-ёрлар билан борди-келди қилиш, қўлдан келган яхшилик билан кимнингдир кўнглини олиш, соғлиқни тиклашга эътибор қаратиш, менимча, ҳар бир оилага соғлом муҳитни олиб киради. Қора денгиз бўйларида жойлашган Сочи, мамлакатимиз ҳудудидаги «Турон», «Оқтош», «Зомин», «Чинобод», «Қибрай» санаторийларида дам олиб, руҳан ва жисмонан бардам бўлиб, оиламиз бағрига қайтамиз. Оилалар ободлиги эр-хотиннинг бир-бирини тўғри тушуниши, эъзозлаши билан боғлиқ эканлигига амин бўлдим.

Учинчи жуфтлик: Абдумалик Мирзаабдуллаев, Жалақудуқ туман прокуратураси адлия маслаҳатчиси (52 ёш), Раъно Мирзаабдуллаева, тиббиёт ҳамшираси (46 ёш).

— Чақалоқлар чинқириб дунёга келиши билан бир хил, аммо улар бир-бирига мутлақо ўхшамаган муҳитда тарбиялангани боис, орамизда турфа феъл-атворли кишилар бор. Агар эркак ва аёлнинг суяги болалигида меҳнат билан қотган бўлса, билингки, уларнинг оиласи айнан шу усулда шакллана бошлайди. Меҳнат билан топилган нон, унинг ортидан келадиган даромад оила соҳибларига, уларнинг фарзандларига роҳат-фароғат, ҳузур бағишлайди. Бундай оилаларга ташқаридан ҳеч қандай хавфу хатар йўқ. Нима учун бу фикрларни келтираяпман?

Ҳар иккимиз болаликдан меҳнат қилиб улғайганмиз. Оила қургач эса унинг фаровонлигини ҳам меҳнат орқали таъминладик. Оила бошлиғи— ота бирор касб-ҳунарни эгаллаган бўлса, ўз жуфти ҳамда фарзандларининг моддий-маънавий эҳтиёжларини имкон даражасида муҳайё қилади. Агар аёлингиз ҳам сиз каби бирор касб эгаси бўлса, нур устига нур. Бу — оила ободлигининг муҳим шартларидан биридир. Мен ҳуқуқ-тартибот идораларида турли лавозимларда ишлаган бўлсам, Раъно-хон тиббиёт ҳамшираси сифатида элимизга хизмат қилиб келмоқда. Шу нарса аёнки, фуқаро жамиятга хизмат қилиши орқасидан ўз оиласининг ҳам каму кўстини тўлдиради. Демак, жамиятнинг ривожланишини оила фаровонлиги билан боғлаш жуда ўринли.

— Турмуш қурган ҳар бир қиз уй бекасига айланади. У олган тарбиясига қараб, уй-рўзғор ишларини эплаб кетиши керак. Кўп ҳолларда оиланинг мустаҳкамлиги, обрў-эътибор қозониши аёл кишига боғлиқ, деб ўйлайман. Агар унда сабр-тоқат, саранжом-саришталик, тежамкорлик, тадбиркорлик хислатлари шакллланган бўлса, кириб борган оиласини бахтли-тахтли қилади.

Оила қурганимизга 27 йил тўлади. Икки ўғил, икки қизни тарбиялаб вояга етказдик. Ота-онам берган тарбия натижасида оилани, уй-рўзғор ишларини эплаб, кам бўлмадим.

Жуфтликларнинг ўз оиласи ҳақидаги фикр-мулоҳазаларида умумийлик бор. Улар оила фаровонлигининг, ободлигининг омилларини ўз ҳаётлари мисолида санаб ўтишди. Агар кузатадиган бўлсак, айнан шу омиллар бошқа бахтли оилаларнинг ҳам тинч-тотув, аҳил-иноқ яшашини таъминлаган. Юртимизда бундай оилаларнинг жуда кўплиги жамиятимизнинг улкан тиргаги ва ривожлантирувчи кучидир.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

ИЛМ КАМОЛОТГА ЭЛТАДИ

Ҳикоямиз қаҳрамони физика-математика фанлари доктори, профессор Неъмат Низомов қадим Самарқанднинг шундоққина биқинида жойлашган кўҳна Мотурид қишлоғида туғилиб ўсди. Урушдан кейинги даврга тўғри келган болалик, ёшликнинг етишмовчилик ва қаҳатчиликка қоришган кезлари кўз олдидан ҳеч кетмайди.

— Мотуридда ота томоним ер билан тиллашиб, деҳқончилик билан умргузаронлик қилишган, — дейди Н.Низомов. — Иккинчи жаҳон урушининг қора пардаси қуюқлашган кезлари 3-4 ёшларда эдим, қаҳатчилик забтига ола бошлади. Раҳматли отам ҳам кўп қатори урушга отланди. Онам эса фронт ортида барча ўзбек аёллари қатори кечаю кундуз меҳнат қилди. Урушдан касалманд бўлиб қайттан отам «колхозчи» сифатида ишни давом эттирди. Ота-онам фарзандларини ўқитиш, илму ҳунарли қилишдек эзгу ният йўлида тани ҳам, дили ҳам ором олмаганлиги боисини энди юракдан ҳис қиляпман.

Шу боисдан қўли кетмон дастасини тутса-да, дилига илм олиш мақсадини туккан хонадонда фарзандлар камолоти учун қўйилган ҳар бир қадам хайрли саналарди. Н.Низомов акаси, сингилларининг олий маълумотли эканлигига урғу бермасдан, жамиятда мутахассис сифатида обрў-эътибор қозонганликларини эслаб, қалби фахр-ифтихорга тўлади. Барно опаси эса оддий касбни танлаб, тикувчилик маҳорати ва пазандалик санъати билан тилга тушди.

Оилавий муҳит ҳар бир шахс камолотида муҳим ўрин тутади. Негаки, осуда оилавий ҳаёт, хотиржамлик пойдеворидаги турмуш, айниқса, оила соҳиби — эркак кишига ҳар жиҳатдан маънавий кўмак бўлади. Бу борада домлани Оллоҳ қўллаган, бахти кулган инсонлардан бири, деб айта олиш мумкин. У кишининг қувончу шодлиги, ғаму ташвишига қишлоғидаги (ҳозир шаҳар таркибига қўшилган) 27-мактабда ёш авлодга таълим берган педагог Моҳира Асадова бир умр шерик бўлиб келмоқда.

Сир эмас, илм аҳли анчайин инжиқ, талабчан бўлади. Моҳира муаллима турмушнинг ҳар қандай зарбаю тўсиқларига мардонавор чидаганини домла фахр билан тилга олади. Зеро, ана шу ҳаёт синовлари оила деб аталмиш маънавий қалъани янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди.

Устознинг оиласида уч ўғил, бир қиз тарбияланиб, вояга етди. Бугун уларнинг барчаси ҳаётда муносиб ўринларини эгаллашди.

Неъмат Низомовнинг инсон сифатидаги камолотида оилавий муҳит пойдевор ҳисобланади. Таълим, илмий-педагогик жараён эса унинг шахс сифатида шаклланиши ва ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳим из қолдирди. Аввало, оиласи — хонадонидан кўнгли тўқлиги боис илмий-педагогик жараёнга жадал киришиб кетди.

— Докторлик диссертациямни Киев давлат университетида ёқладим, — дейди домла. —Нокамтарликка йўйманг, оптик физика соҳасида аспирантлигимданоқ илмий чиқишларим билан соҳа мутахассисларининг назарига тушган эканман, шекилли, ҳозирга қадар «тинч қўйишмайди». Айни пайтгача йигирмадан ортиқ мамлакатда бўлиб, соҳанинг долзарб муаммоларига бағишланган халқаро анжуманларда эксперт ва маърузачи сифатида иштирок этдим. Бу кунларга етгунча бошдан не кўргуликлар ўтмади, дейсиз?

Мустақиллик бошқа соҳа ходимлари каби олимлар учун ҳам кенг имкониятлар эшигини очди. Хорижлик олимлар билан ҳамкорликда илмий фаолият олиб бориш учун шароит яратилди. Истиқлол йилларида Неъмат Низомовнинг илмий изланишларига хорижда ҳам эътибор ва қизиқиш янада кучайди. Устоз ҳозир бир нечта халқаро грантларда иштирок этиб, ғайрат билан меҳнат қилишда давом этмоқда.

Ҳаким ЖЎРАЕВ

Бу гулшан ичра йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.

Хуштўғур боғи коинот гули,
Барчадин яхшироқ ҳаёт гули.

КЎНГИЛНИ ПОКЛОВЧИ ШЕЪРИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Демак, ушбу таърифларда дунёнинг мазмунмоҳияти ҳақида гап кетади. Келтирилган мисраларнинг мазмуни шундай: "Бу (ўткинчи) дунё нафс қароқчиларининг уйи... Унда ҳар кун бошқа-бошқа карвонлар тўхтаб ўтади". Аммо таъкидлаганимиздек, бу шоирнинг дунёга берган яккаю ягона таърифи, ҳукми эмас. Китобхон томонидан бунинг идрок этилиши шоир ижодини тушуниб етиш учунгина эмас, балки унинг дунёни таниши ва ўзини англаши йўлида муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда, шуни таъкидлаш муҳимки, агар шоир дунёга фақат унинг ўткинчилигини англатиш мақсадида бу каби таърифларни берганида унинг шеърлари бугун бу қадар севимли бўлмасди. Шеърлари инсоннинг ўзига, ўз имконият ва истакларига ишониш туйғусини тарбиялашга, ҳаётга муҳаббат қўйишга восита бўла олмас эди. Чунки шоир бошқа бир ўринда: *"Бу гулшан ичра йўқтур бақо гулига сабот, Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от"* каби мисраларни ёки: *"Хуштурур боғи коинот гули, Барчадин яхшироқ ҳаёт гули"* каби байтларни ҳам битадики, бу Навоий адабий оламининг мукаммаллиги ва қамровли кенглигини яна бир бор намойиш қилади. Зеро, Навоий асарлари бир-бирига боғланган яхлит бир адабий олам. Бу асарларни ўрганаётганда шу жиҳатни эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Ҳаёт гўзаллиги, умрнинг азизлиги ва уни муносиб яшаб ўтиш ҳақидаги фикрларини бундай байту ғазалларида қуйлаган Навоий достонларининг қаҳрамонлари — Фарҳод, Искандар кабилар фаолияти воситасида инсоннинг яратувчилик қудратини, обод юрт, эл ташвишида яшаганлар тимсолини бадиий талқин этган. Шоирнинг *"Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай, Онча борки, Каъба вайрон бўлса обод айлагай"* каби кўнгил ободлиги ҳақидаги ўйларига уйғунлашиб кетган юрт ободлиги ҳақида орзулари фақат асарларида эмас, балки амалдаги ишларида ҳам намоён бўлади. Навоий амалда ўз қаҳрамонлари — Фарҳоддан кўпроқ, Искандардан улуғроқ ишларни амалга оширди. У юртини обод қилиш йўлида машаққат чекди, элининг кўнглини шод этиш учун иссиқ-совуқни бошидан кечирди. "Вақфия" асарида ўзининг ободончилик соҳасида олиб борган ишлари ҳақида ёзар экан, Навоий шундай дейди: ("Вақфия" асаридан парчалар бугунги ўзбек тилига ўгирилиб, тақдим этилмоқда — **К. М.**): *"Хайрий бинолардан бири будирки, сакксиз юз саксон биринчи йили ул ҳазрат (Ҳусайн Бойқаро — **К.М.**) кўшки Марғани ёнидан бу фақирга (менга) сарой ва ҳовли барпо этиш учун ер иноят қилди ва бу фақир унинг қурилиши билан машғул бўлдим. Бу ер ҳақиқатан Эрам боғидек зийнатли ва байт ул-ҳарам даражасидаги порлоқ шаҳар — пойтахт Ҳиротнинг шимол тарафида бўлиб, Гозургоҳнинг майда тоши — лаъли кони, қора туфроғи — тоза мушкидир... Бу ернинг ҳавоси руҳпарварликда жаннат ҳавосидан нишона айтур ва ери ҳаётбахшликда жаннат насимидан намуна кўргузур. Тоғ жанубидан Наврўзий ариғи оқиб ўтади. Шаҳар жанубидан Инжил суви оқарким, у Салсабил булоғининг ўзгинаси... қадимда кўпгина султонлар — боғ барпо этишни овоза қилган амирзодалар, салтанат ноғорасини чалган шаҳзодалар бу ерга орзу ниҳолларини экиб, мақсад мевасини топмадилар, тилак гулбунларини экдилар-у, гуллари очилмади.*

Ниҳоят, бу фақир у ерда ўттиз жериб ерга девор тортиб сарой қурдим, боғчасига ҳар турли дарахтлар билан равшанлик ва яшноқлик, ҳар бир чаманга райҳону ҳушбўй гуллар билан зийнат бердим, ...ва бу жой Чин нигорхонасининг рашкини келтирадиган масканга айланди.

Ва бу Марғани кўшки ҳовли ўраб олинган жанубий ва ғарбий томонлари ўртасида жойлашган, илгари режалаштирилиб солинган биноси тошдан эди. Бу тошлар меҳнат тоғидан ташиб келтирилган ва хом ғиштдан ясалган бўлиб, бу ғиштлар андуҳ тупроғи ва ҳасрат сувидан қуйилган эди..."

Инсон камолоти ҳақида ёниб шеърлар битган, кўплаб истеъдодларга ҳомийлик қилган, уларни тарбиялаган, ҳамиша комилликни яхши таълим ва тарбияга боғлаган Навоий "Ихлосия" мадрасасининг қурилиши тафсилотларини шундай давом эттиради: *"Мадомики, кўнгилда бундай ҳаётга юзланиш устувор келиб, бу мақбул фикр хотирда қарор топди ва мадраса бино этилди, қурилиб туғалланмаган бир бино асоси бузилиб, жойига масжид солинди.*

...Мадрасанинг тўрида — шимол тарафда гумбаз қурилди... Гумбазга "Дор ул-ҳуффоз" номи берилди... Бу мадраса самимий ихлос билан бино этилгани боис унга "Ихлосия" деб ном қўйилди.

..."Ихлосия" мадрасасининг қаршисида, йўлнинг жанубида хонақоҳ барпо қилинди. ..."Ихлосия" мадрасаси олдидаги, иморати ҳар турли риё ва ғашликдан холи бўлган, кўнгилни кўп иккиланишлардан халос этган бу хонақоҳга "Халосия" деб от қўйдим. "Халос — ихлосдадир".

Навоий ўзи орттирган даромад ва уларни сарфлаш ҳақида ҳам ибратли маълумотларни беради: *"Ул ҳазратнинг давлати замонида пойтахт Ҳирот ва унинг атрофидаги ғалла экиш мумкин бўлган ерлар ва дўконлар, боғ, ер ва кориз бу фақирнинг(менинг) мулки(м) эди. Уларнинг олди-сотдисидан шариат қоидаларига қатъий риоят қилинган ҳолда — қийматларидан(баҳоларидан) бир дирам ҳам олиб қолинмасди. ...Кўп вақт бу тасарруфим чангалида ва қўлимда бўлган мулкни бу жойлар учун шариатга мувофиқ тўғри вақф қилдимки, бу икки бинонинг иморати ва унда турувчиларнинг вазифалари билан барча тирикчилиги учун керакли нарсалар, озиқ-овқатлар шундан ҳосил қилиниб(харжланиб), белгиланган дастур билан сарфланади".*

Тарихчи Хондамирнинг бошдан-охир Навоий фаолиятига бағишланган "Макорим ул-ахлоқ" асарида Навоийнинг яратиш ва ободонлаштириш соҳасида амалга оширган ишлари кенг ёритилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома"сида дунёла ҳатто ҳукмдорлар ҳам (Навоий давригача) бундай кўп хайрий бинолар қурмаганлиги таъкидланади.

Элнинг ташвиши билан яшаган шоирнинг эҳсон йўлида бажарган хайрия амаллари ҳам бениҳоя. Бу борада Навоий шундай ёзади:

"Аммо мен учун элнинг беқарорлиги, улуснинг ишларига аралашиш, разилларнинг сохта таъзиллари, шариф кишилар қувончи, хослар иззат-ҳурмати, авом ғавғоси, золим талаби, раият (тобе халқ) ғалваси (тўполони), аскарлар ҳимояси, тамаъ аҳлининг сохта мулойимлиги, жоҳиллар ситамидан азобда қолганлар, иш кўрувчилар қаламидан ҳаёти қаро бўлганларнинг беқарорлиги, бурчнинг азобига қолганларнинг йўлимни пойлаб туришлари, фарзандини гаровга қўйганларнинг этагимга бош уриб келишлари, ҳеч нарсаси қолмаган талабанинг арз қилиб келишию мактуб битиши, фалокатшиор шоирларнинг қасидаю қитъалари, вилоятдан келган дармондалар(келиб қийин аҳволда қолганлар) тафтиши... Мадинадан келибмиз деб иқомат (туриш) юкин уйимга туширгалар зиёфати, Маккага кетмоқдамиз, дея умид билан эшигимга келганларга ҳурмат билан муомалада бўлиш ва яна кўп машаққатлар борки уларнинг бари айтилса, сўз риштаси узайгай...".

Ўзгалар дарди билан яшаш, уларнинг ташвишини чекиш Навоий ҳаётининг, ижодининг мазмунига айланганди. Ҳаётда ўзгаларга фойда келтиришни шиор қилиб олган Навоий ўз шеърлари билан ўзгаларни тўғри яшашга ўргатишни истади. Тўғри яшаш ўзини таниш ва англашдан бошланишини тез-тез таъкидлади. Шу боис ҳам унинг бу туркум шеърларида айни шу фаолиятига мос фикрларни ҳамда уларни ифодалашда мурожаат оҳангини, даъватни илғаш мумкин. Бу даъват — инсоннинг ўзини таниши учун ундовдир.

Хўш, Навоийнинг бу ундовлари, мурожаатларида дунёни таниш йўлида турган инсон олдига қандай вазифалар қўйилади? Шоир наздида дунёни танишга интилиш — нафсдан, нафсоний иллатлардан халос бўлиш, демак:

Ўзлугунинг ҳижобидин кимки ўзни халос этар,
Ўзга қаёнки солса кўз, мумкин эмас ҳижоб анга.

Ўзлик бу ўринда, бошқа кўп ўринларда ҳам нафс тушунчасини ифодалайди, айни байтда у моддий бойликка ҳирс қўйиш — дунёбанди бўлишга чорловчи занжир. Шу боис шоир бошқа бир ғазалида:

Тўрт унсур қайдидин то чиқмагайсен, нафъ эмас,
Осмоний тўрт дафтарни тутайки, ёд бил.

Байтнинг мазмуни: "Агар сен илоҳий каломлар битилган китобларнинг барини ёддан билсанг ҳам, тўрт унсурга (инсоннинг моддий — нафсоний эҳтиёжлари асосини ташкил этган тупроқ, сув, олов ва шамол назарда тутилган) банди бўлсанг, бундан сенга ҳеч қандай нафъ йўқ. Демак, шу нарса аёнлашмоқдаки, бу руҳлаги шеърларда Навоийни ташвишга солган нарса — дунёбандилик.

То ўзунгни хасча кўргунгдур, эмассен одамий,
Гар ҳавода сайр қил, гар сув уза кўргуз хиром.

Агар сенда ўзлигингдан, аниқроғи, нафсоний истакларингдан хасдек миқдорда қолса ҳам, гарчи сен ҳавода уча оладиган, сув устида юра оладиган даражада моҳир (авлиёсифат демоқчи) бўлсанг-да, барибир чинакам одам эмассан (Навоий комил инсон ҳақида фикр айтмоқда). Бу байт Навоий замонилаги каби бугун ҳам ўз моҳиятини ўзгартирмаган, ўз қимматини сақлаб қолган. Зеро, ўз ишининг устаси, касбини маҳорат билан эгаллаган одам агар нафсига тобе бўлса, қадри барибир пасаяди. Шу боис шоир яна бир ғазалида:

Арит сиришк била ботинингда бор эса чирк,
Юв тавба суйи била бўлса ботининг шух.

Мазмуни: "Кўз ёшларинг билан ботинингдаги кирликни, хираликни арит, тавба қилиб, унинг суви билан ичингдаги шух — чиркни юв".

Бундай маърифатомуз фикрлар шоирнинг фақат орифона мазмундаги шеърларида ифода топмаган, балки улар ишқий мазмундаги ғазалларга ҳам кўчган, булар орқали ўзлик — нафснинг маъноси янада аниқроқ тасаввур этилади:

Ишқ водийсида мақсад ичрадур аввал қадам,
Ўзлукунг кўҳи балоси бўлмаса оллингда сад.

Демак, байтдан англашилишича, ўзлик — нафс мисоли бало тоғи, у ошиқнинг олдида девор — улкан тўсиқ бўлиб туради. Ишқ йўлига кирган одам, мақсад йўли сари юришни мана шу бало тоғи бўлган ўзлик(нафс — ўзини севиш)ни йўқ қилишдан бошлаши керак...

Кўнгилни поклаш, нафс қутқуларини енгиш, дунёбандиликдан қутулиш йўлларини ҳам Навоий ғазалларидан топиш мумкин:

То танинг авжи ҳаёт устидадур сен хоқ бўл,
Истасангким авж тутқайсен танинг бўлғонда хоқ.

Агар номинг абадий қолишини, аниқроғи, ўзинг тупроққа айланиб кетганингда — бу дунёдан ўтганингда ҳам номинг энг баланд мақомда бўлишини истасанг, ҳаётингнинг энг авж палласида хоқ — тупроқ бўл, яъни нафсинг билан қураш...

Ҳазрат Навоий ўз шеърларини инсонни ноқисликдан, нафс балосидан, дунёбандиликдан асрайдиган муҳим бир восита деб билгани ҳолда, бир ғазалини мазкур фахрия байт билан якунлайди ва бу ҳақиқатга жуда яқин:

Кўнгулдин жаҳл ранжи дофии
гар истасанг бордур,
Навоий, боғи назми шаккаристонида
ул гулқанд.

Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА,
Низомий номидаги ТДПУ доценти,
филология фанлари номзоди

РАСМЛАРДА УЛУҒ ШОИР МЕРОСИ

Миллий санъат марказида Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллигига бағишланган "Эъзоз" деб номланган бадиий кўргазма очилди.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталарининг «Ijod» уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу кўргазмада буюк шоир асарларига ишланган расмлар намойиш этилмоқда.

Навоийшунос олим, академик А.Қаюмов, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири Ш.Ризаев ва бошқалар Алишер Навоий ҳаёти, умр[illegible]ий асарлари ёшлар маънавиятини юксалтиришда ўзига хос дарслик эканини таъкидлади.

Улуғ шоир мероси барча соҳа вакиллари қатори мусаввирлар учун ҳам битмас-туганмас илҳом манбаидир. Бу жиҳатдан рассом Темур Саъдуллаев ижодида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган. Мусаввир Алишер Навоий номидаги Адабиёт давлат мукофейида меҳнат қилиб, даҳо шоир асарлари мазмун-моҳиятини рангин бўёқларнинг акс эттирмоқда.

— Навоий асарлари муҳаббат, инсонпарварлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат каби эзгу ғояларнинг ўзига хос қомусидир, — дейди Т.Саъдуллаев. — Буюк шоир асарларини ҳар гал қайта ўқисам, янги-янги маънолар кашф этаман. Буларни суратларда ифодалаш менга катта фахр ва ғурур бағишлайди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири
Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

НАВОИЙ ҲАҚИДАГИ ИЛК РОМАН

XX аср ўзбек адабиётидаги ноёб ҳодисалардан бири Ойбекнинг «Навоий» романидир. Ёзувчи ижодининг гултожи ҳисобланган бу асарда ўзбек халқининг миллий ғурури ва ифтихорига айланган буюк сиймо — Навоий образи меҳр билан тасвирланган.

«Навоий шеърияти ва Навоий образи ҳамиша кучли бир қуёш каби кўнглимни тортар эди. Ўз асарларимда шоир Навоий образи яратишга зўр майл, орзу, истагим бор эди», дея ёзувчи ўз кўнглидагини камтарона ифода этганди.

Беш асрлик даврни ошиб ўтиб, кўҳна тарихнинг залворини ҳис эта олиш, XV аср билан XX аср ўртасида кўприк қуриш, Навоийдек буюк зот ҳақида асар ёзиш учун ёзувчида катта билим, маҳорат ва талант бўлиши лозим. Тарихий мавзуда қалам тебратиш, ўша тарихий даврни ўқувчи кўз олдида гавдалантириш ва мамлакатда юз бераётган ижтимоий-сиёсий воқеаларни таҳлил этиш, қаҳрамонларнинг руҳий кечинмаларини очиб бериш ёзувчи зиммасига катта масъулият юклайди.

Сўзни ўз ўрнида қўллай олиш ҳам асарнинг бадиий-эстетик қимматини, савиясини белгилаб беради, десак хато қилмаган бўламиз. Ёзувчи бадиий тафаккури ва услуби, асардаги қаҳрамонларнинг диалоглари уларнинг руҳий дунёсининг очилишида муҳим аҳамиятга эга. Немис адиби Ҳерман Ҳессе таъкидлаганидек: «Сўз қанча қадимий, қанча кўҳна бўлса, унинг ҳаётий қудрати ва сеҳру жодуси шунча кучли бўлар экан».

Адиб бу романда XV аср сўзлашув услубига хос сўз ва иборалардан, араб, форс ва соф туркий сўзлардан ўз ўрнида моҳирона фойдаланган. Асарда Навоийнинг бунёдкорлиги, халқ, эл манфаати йўлида ўзини фидо этиши бадиий бўёқларда тасвирланган: «... ҳалиги одам қимматбаҳо тўнининг этакларини белига қистириб, енг учларини шимарган ҳолда астойдил ишламоқда — усталарга ғишт, ганч узатмоқда эди.

Ниҳоят, Арслонқул қўли била юқорига ишора қилди:

— Ул жаноб ким бўлади?

— Навоий ҳазратлари-ю! Кўпинча келиб, шундай ғайрат билан ишлайдилар».

Айниқса, Навоийнинг туркий тил ҳимоячиси сифатида амалга оширган ишлари романнинг ғоявий-бадиий мазмунига сингдириб юборилган:

«...кекса шоир қоғозни кўзларига яқин тутиб пичирлади:

— Алишер Навоий сеҳрли қалами билан бир турлиб, кавакдан жонли кўз ясайди!

— Кўплар чақин тошдан учқун чиқаролмаганда бу туркигўй яхдан аланга ҳосил қилади...».

Гулчеҳра АЛИШЕВА,
Зомин педагогика коллежи ўқитувчиси

ХАТ ТОЗАЛИГИ – РУҲ ТОЗАЛИГИ

Араб хатининг дастлабки намуналари ҳақида бизгача жуда кам маълумот етиб келган. Айрим манбаларда зикр этилишича, X асрда моҳир котиб ва олим Ибн Муқлаъ ўзигача бўлган куфий хатдан воз кечиб, араб алифбосининг янги олти навъи — сулс, тавқиъ, риқоъ, райҳоний, насх, муҳаққақ деган турларини кашф этди. Ибн Муқлаънинг котиблик истеъдоди ҳақида шундай бир воқеани ҳикоя қиладилар. Аббосийлар халифасининг вазири бўлган Ибн Муқлаъ давлат можаролари оқибатида қамоққа олинади. Унинг ўнг қўлини кесадилар. Аммо у чап қўлида ҳам ажойиб хат намуналарини битади. Айрим маълумотларга қараганда, араб алифбосидаги зарур аломатлар ҳам Ибн Муқлаъ томонидан киритилган.

XIV асрга келиб араб алифбосида янги услуб — таълиқ ва настаълиқ хатлари вужудга келади. Настаълиқ хатининг асосчиси Хожа Мир Али Табризий(1330—1404) эди. Бу хат шу қадар машҳур бўлиб кетдики, унинг намуналари ва ҳиллари ҳақида то XIX асргача котиблар, адиблар томонидан махсус рисолалар битилди. Энди бу хатда фақат нодир асарларгина кўчирилиб қолмасдан, шоир ва адибларнинг шоҳ байтлари, диний оятлар, ахлоқий-эстетик фикрлар ҳам шу усулда, катта хаттотлик санъатининг намунаси сифатида ёзиладиган бўлди. Улар совға тариқасида юборилган, тасвирий санъат асарлари ўрнига деворларга осиб қўйилган, шоҳ саройлари, мадрасаларни безатган.

Темурийлар ҳукмдорлиги даврига келиб адабиёт ва бошқа санъатлар қатори котибликка ҳам эътибор кучаяди. Бу даврда Хожа Мир Али Табризийдан ташқари Султон Али Машҳадий, Мавлоно Симий Нишопурий каби хаттотлар машҳур бўлиб, котиблик мактабларининг асосчилари сифатида таниладилар.

Хаттотлик санъати ривожланганги сари, шубҳасиз, давр адиблари ва санъат аҳли ҳам бу соҳага катта эътибор бера бошлайди.

Алишер Навоий хаттотлик санъатига бағишланган алоҳида асар яратмаган бўлса-да, "Маҳбуб ул-қулуб", "Мажолис ун-нафоис", "Насоим ул-муҳаббат" асарлари ва "Хамса" достонларининг айрим байтлари беназир адибнинг хаттотлик санъати борасидаги қарашларини аниқлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Алишер Навоий котиблик санъатини пухта эгаллаган, хатда янгиликлар кашф этган, хат ва хаттотликка оид рисолалар битган хаттотлар, жумладан, Султон Али Машҳадий, Мавлоно Сойилий, Мавлоно Симий Нишопурий, Биноий, Мавлоно Юсуф Шоҳ, Хожа Абдулло Садр, Мавлоно Шер Али, Мавлоно Номий, Шайхзода Пуроний каби зотлар номини тилга олади. У, айниқса, Султон Али Машҳадийга алоҳида эҳтиром кўрсатган. Султон Али ҳақида фикр билдирган Хондамир, Восифий, Давлатшоҳ Самарқандий, Қози Аҳмад каби адиб ва тарихчилар ҳам у яратган китобат нусхаларининг тенгсизлигини, ҳеч ким настаълиқ услубида унинг даражасига етмаганлигини қайд этганлар. Султон Али айни пайтда шоир ва олим ҳам бўлган. Унинг хаттотлик санъатига бағишланган рисолаларида бу санъатнинг турлари, сирлари ва йўллари атрофлича таҳлил этилган. Султон Алининг фикрича: "Хат тозалиги — руҳ тозалигидир".

Мирислом БАДАЛОВ,
тадқиқотчи

ШОИРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ

Буюк мутафаккир ва шоир Алишер Навоий минглаб ғазаллар, достонлар яратиш баробарида асарларида ўз иқтисодий қарашларини ҳам илгари сурган. Унинг "Маҳбуб ул-қулуб", "Фарҳод ва Ширин", "Садди Искандарий", "Сабъаи сайёр" асарлари мисолида бунга гувоҳ бўлиш мумкин.

Навоий ўз ижодида жамиятдаги тақсимот қонунларига, савдо ва тижорат ишлари, деҳқон ва ҳунармандлар фаолияти, солиқ тўлаш, мулк, тежамкорлик ва бошқа иқтисодий масалалар тўғрисида қимматли фикр-мулоҳазалар билдирган. "Маҳбуб ул-қулуб" асарида меҳнатнинг миқдори ва сифатига яраша ҳақ олиш она сутидек ҳалол эканини таъкидлайди ва бу ҳақиқатга жуда яқин:

Кўнгулдин жаҳл ранжи дофии
гар истасанг бордур,
Навоий, боғи назми шаккаристонида
ул гулқанд.

Навоий савдо-сотиқ, тижорат ишлари жамиятнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга эканлигини айтади. Савдогарлар ҳаётни ва меҳнати машаққатли. Шоир савдогар саёҳатни севишини, дунёнинг ҳар хил шаҳарларидан, у ердаги нодир ва ғаройиб воқеаларидан бохабар бўлишини таъкидлайди. Тоғу тошлар, дашту сахролар устида туя сурган, денгиз мавжлари ва сув тошқинларидан фойда ва зарар кўрган, ҳалол ризқ топиш йўлида машаққат чеккан савдогарнинг аҳволи-руҳиясини шоир кўп бор кузатган.

Савдогар ёлғиз фойдани ният қилмаслиги, фойда топаман деб ортиқча кема сурмаслиги, мол ва пул кўпайтираман деб жонсарак бўлмаслиги керак, деган фикрлари орқали шоир савдогарларни инсоф ва диёнатга чорлайди. Улардан фақат ўз фойдасини кўзлаб иш тутмасликни, давлат хазинасига бож, хирожни ўз вақтида тўлаб туришни талаб қилади.

Солиқчиларни қийин аҳволга солиб қўймаслик учун солиқ миқдори подшоҳ томонидан адолатли белгиланиши шоирнинг эътиборидан четда қолмаган. Уларнинг ҳалол, инсофли бўлишлари ҳам Навоий давридаги муҳим талаб эди. Закот йиғмоқ ишини баднафс, фирибгар одамлардан тозалаш кераклиги Навоий диққат-эътиборидаги масала бўлган. У деҳқонларга, ҳунармандларга, савдогар ва бошқа табақадаги кишиларга солиқ тўлашдан бош тортмасликни маслаҳат беради, бундай ноўрин ҳаракат ҳақ шерикларига жафо қилиш билан баробар эканлигини уқтиради. Навоий асосий ишлаб чиқарувчи куч деҳқонлар эканини алоҳида таъкидлаб, жамиятнинг иқтисодий аҳволи, келажак тараққиёти деҳқончилик қилиб, ҳосилни камбағал оилаларга, етим-есирларга тарқатиш, работлар қурдириш, тақир ерларга сув чиқариб обод қилиш билан боғлиқ эканлигини айтди.

«Фарҳод ва Ширин» достонида ҳунарнинг, ҳунармандчиликнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамиятини кўрсатиб беради. Ҳар қандай уста ўз ускунасидан моҳирлик билан фойдаланса, бу уни юксакликка кўтаришини жуда чиройли талқин этган. Шаҳзода Фарҳод образи орқали ҳар бир киши ўз ҳунарини пухта эгаллаши ва қадрлаши кераклигига ишора қилади. Демак, Навоий ҳар бир меҳнатга яроқли кишини бирор ҳунар эгаллашга, меҳнат қилиб яшашга, тадбиркорлик, тежамкорлик хислатларини мужассамлаштиришга ундайди. Бугунги кунда ҳам ёшларнинг илм-ҳунар ўрганиши учун катта имкониятлар яратилаётгани ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Алишер Навоийнинг бокий мероси бугунги кун учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унинг иқтисодий қарашлари илмий жиҳатдан асосланганки, бу ўлмас меросни чуқур ўрганиш, таҳлил этиш ёш авлоднинг иқтисодий тафаккурини шакллантириш ва бойитишга хизмат қилади.

Наима ДАДАБОЕВА,
Аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Илм, Навоий, сенга мақсуд бил,
Эмдики илм ўлди, амал айлагил.

Юрт ободлиги сув мўллиги билан ҳам белгиланади. Шу боис халқимизда сувни исроф қилмаслик, ундан оқилона фойдаланишга қут-барака омили сифатида қаралади. Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида ҳам кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришда сувни тежайдиган самарали технологияларни қўллаш, биринчи навбатда, экин майдонларига томчилатиб суғоришни татбиқ этиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Айни кунда олий таълим муассасаларида олиб борилаётган сув хўжалиги тизимига тааллуқли илмий тадқиқотлар, ишлаб чиқилаётган қатор лойиҳалар сувни тежашга қаратилаяпти. Тошкент ирригация ва мелиорация институтида ташкил этилган «Илмий ва амалий тадқиқотлар маркази»да олиб борилаётган ўзига хос илмий тадқиқотлар, янги лойиҳалар ҳам томчилатиб суғориш усулига йўналтирилгани билан эътиборлидир.

Izlanish va imkoniyat

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ

унда микротомизгичлар орқали сув ва озуқа моддалари бевосита ўсимлик илдизи жойлашган нуқтага йўналтирилади

Тажриба оммалашмоқда

— Марказ фаолияти илмий-тадқиқот ва изланишлар олиб бориш, ҳаётга татбиқ этилувчи ишланмаларни мукаммал ўрганиш, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида қўллаш, тупроқнинг муҳим хусусиятлари — нам тортиши, намнинг тез буғланиши ёки қотишига қарши мақбул ечимлар топиш, сув исрофининг олдини олиш, вегетация даврида ўсимликларга таъсир ўтказувчи жиҳатлардан қутулиш, сувни тежашга алоҳида эътибор қаратиш масалаларини пухта ўрганишга йўналтирилган, — дейди илмий-тадқиқот маркази директори, иқтисод фанлари номзоди, доцент Баҳодир Султонов. — Бу эса ирригация соҳасида жаҳоннинг илғор давлатлари тажрибаларини ўрганишни тақозо этади. Жаҳон тажрибасининг минтақамизга мос энг муҳимларини ўзлаштириш ҳамда Ўзбекистон шароитида қўллаш, самарали томонларини амалиётга жорий этиш талаб қилинади. Аҳоли эҳтиёжларининг кескин ортиши ва табиий манбаларнинг кўплаб сарфланиши оқибатида бирламчи манба танқислиги вужудга келди. Бу эса табиий ресурслардан камроқ фойдаланган ҳолда, муқобил ресурсларни излаб, топиш, ҳаётга татбиқ этиш вазифасини келтириб чиқаради. Сув ресурсларининг ер майдонларига тенг тақсимланмаганлиги ёки кўпчилик экин майдонларининг ер сатҳидан баландроқ жойлашганлиги, қурғоқчилик пайти сувнинг ерга сингиб кетиши янгича усулда ерни суғориш тизимини такомиллаштириш заруратини пайдо қилмоқда. Бунинг энг мақбул йўли эса, томчилатиб суғориш тизимини кенг жорий этишдир.

Дунё қишлоқ хўжалиги, умуман деҳқончиликда сувдан унумли фойдаланиш бўйича илғор тажрибалар мавжуд. Шулардан бири — томчилатиб суғориш. Бу усул турли мамлакатларда кенг ишлатилиб, натижада янги сифат ўзгаришларига эришилаяпти. Масалан, Исроилда қарийб барча экин майдонларида томчилатиб суғоришдан фойдаланилади. АҚШ, Австралия, Хитой Халқ Республикаси, Жанубий Кореяда эса махсус ер майдонлари шу усулда суғорилади. Бундан шу нарса ойдинлашадики, ҳар бир мамлакатнинг ирригацион қурилмаларида бевосита тежамкорликка ҳамда маҳсулот сифатининг янгиланиши ва яхшиланишига алоҳида эътибор қаратилади.

Хўш, томчилатиб суғоришнинг афзаллиги нимада? Томчилатиб суғоришда нималарга аҳамият бериш керак?

Тежамкор усул

— Бугунги кунга келиб ер юзида сув танқислиги муаммоси кўндаланг турибди, — дейди қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент Бахтиёр Усмоналиев. — Аҳоли сонининг ошиши, ичимлик сувининг тобора камайиши, шу билан бир қаторда, экин майдонларига сувнинг нотўғри етказиб берилиши туфайли сувдан фойдаланишда ер қатламининг нам тортувчанлиги, шўрхоклиги, унумдорлиги ва қотиш даражасини инобатга олган ҳолда ёндашиш ҳамда янги лойиҳалар устида изланишлар олиб боришни давр талаб этмоқда. Суғорма деҳқончиликда ерни томчилатиб суғоришнинг аҳамияти шундаки, биринчидан, ерга ишлов беришда ортиқча ишчи кучи тежаш, иккинчидан, экин ораларига ишлов беришни янада камайтириш (эгатлаб экилган далаларда ёввойи ўсимликлар кўпайиши), ерга сепиладиган минерал ўғитлар исроф бўлишининг олдини олишга имкон яратади. Яна бир муҳим хусусияти, уруғ униб чиқиши даврида ҳар хиллик эмас, бир хиллик, бир текисда ўсиш ҳамда ривожланиш кузатилади. Энг асосийси, йилига эгатлаб суғориш учун мавсум давомида 1 гектар ерга 6000-8000 м³ сув сарфланса, томчилатиб суғоришда бу кўрсаткич деярли тенг ярми — 4000-3000 м³ни ташкил этади. Янги усул қўлланилганда, эгатлаб суғоришга нисбатан ҳосилдорлик бирмунча ортади.

Томчилатиб суғоришда микротомизгичлар орқали сув ва озуқа моддалари бевосита ўсимлик илдизи жойлашган нуқтага йўналтирилади. Мақбул сув тупроқнинг физик ва озуқавий режимини тўлиқ сақлашга имкон яратади. Томчилатиб суғориш жараёнида тупроқ намлигининг ошиб кетиши ва суғоришлараро даврнинг охирида тупроқнинг минимал даражада қуриб қолиши кузатилмайди. Сув билан бирга озуқанинг берилиши боғ ва экин майдонлари унумдорлигини оширади, тупроқда қулай озуқа режимини ҳосил қилади. Мақбул сув, минерал озуқа(ўғит) ва ҳаво айланиши узлуксизлиги ўсимликларнинг бир текис ўсиши ва ривожланишини таъминлайди, бу эса ҳосил сифатининг сезиларли даражада яхшиланишига олиб келади.

Тажриба майдонида янги қурилма

— 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони асосида фермер хўжаликлари билан ўзаро алоқаларни йўлга қўймоқдамиз, — дейди институт доценти Жаҳонгир Худойназаров. — Бундан кўзланган мақсад — кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш мақсадида сувни тежайдиган самарали технологияларни, биринчи навбатда, томчилатиб суғоришни уларнинг фаолиятига татбиқ этишга кўмаклашиш орқали оз миқдордаги сув билан юқори ҳосил етиштириш. Айни пайтда экинларни томчилатиб суғоришнинг мавсумий сони, муддатлари, меъёрларини аниқлаб, бу усулни янада такомиллаштириш устида изланаяпмиз.

Қувонарлиси, арзон, импорт ўрнини босувчи маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқариш орқали сув ресурсларини 60 фоизга тежашнинг имкони вужудга келаяпти.

— Ўрта Чирчиқ туманидаги 55,5 гектарлик боғ ва узумчилик майдонини томчилатиб суғоришни лойиҳалаштираяпмиз, — дейди қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Фридун Бараев. — У ерга маҳаллий паст босимли томчилатиб суғориш ускуналари — томчилатиб суғориш қувури, полиэтиленли тақсимлагувчи қувур (диаметри 50мм), полиэтиленли бирлаштирувчи қувур (диаметри 20мм), 20 мм ҳажмдаги жўмрак, пластмассали идиш-стабилизатор, насос мотопомпа (комплект), фитинглар ўрнатилаётир ва уларни монтаж қилиш, ходимларни тизимдан фойдаланишга ўргатиш ва мониторинг қилиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилаяпти. Бу усул республикамизнинг барча ҳудудларида пахта, ғалла, сабзавот экинлари, боғдорчилик ва узумчиликда синовдан ўтказилиб, хўжаликларда кенг жорий этишга келишилди.

Бундан ташқари, кафедра илмий фаолиятида ҳам кўпгина муваффақиятлар қўлга киритилди. Профессор Б. Серикбаевнинг "Қорақалпоғистон Республикаси шароитида қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда ёмғир ва коллектор-дренаж сувларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш", профессор Ф.Бараевнинг "Қишлоқ хўжалиги экинларининг диверсификациясини илмий асослаш ва татбиқ қилиш асосида Ўзбекистон Республикасида суғориладиган ерларда маҳсулдорликни ошириш ва ландшафтлар экологик-мелиоратив ҳолатини тиклаш", "Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларига ўтиш даврида гидромелиоратив тизимлардан ва сувдан самарали фойдаланиш" мавзулардаги тадқиқотлари кутилган натижани бераяпти.

Илмий-тадқиқот самараси

Эътиборлиси, томчилатиб суғориш қисмлари — насос, босимни меъёрлагич, ўғит эритгич (гидроподкормшик), суғориш қувурлари, айнан, Тошкент ирригация ва мелиорация институти профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли талабалари томонидан яратилиб, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятига татбиқ этилмоқда.

— Институт олимлари томчилатиб суғориш тизими асбоб-ускуналарини яратиш бўйича ҳам кўпгина ютуқларга эришмоқда, — дейди Гидромелиоратив тизимлардан фойдаланиш кафедраси ассистенти Низомиддин Шайманов. — Трубкали томчилатгич тизимидаги қурилмаларга ўзимизда ҳам талаб юқори даражада. Негаки, четдан келтирилган маҳсулот ўзимизда ишлаб чиқарилган ускуналарга нисбатан ўн баробар қиммат ва иш принципи ҳам қийин бошқарилади. Масалан, томизгичлар Исроилда ишлаб чиқарилган «Агро-Дрип" томизгичидан 10-12 марта арзон ва ишлаш қобилияти мустаҳкамлиги бўйича хорижникидан қолишмайди. Трубкали томизгич тизимини ернинг нишаблиги 0,03 бўлганда қўллаш мумкин ва суғориш шлангининг охиридаги босим 3м³ дан ошмаслиги керак. Томчилатиб суғориш тизими қўлланилган участкада ғўзанинг яхши ўсиши ва ривожланиши кузатилди ва эгатлаб суғоришга нисбатан ҳосилдорлиги 5 ц.га ошди. 1 центнер ҳосилни етиштириш учун мос равишда 200—300 ва 50—70 м.куб. сув миқдори талаб қилинди. Қисқаси, тизимнинг ишлаш принципи содда тузилган, бу эса ҳар бир киши ундан фойдаланишда қийинчиликларга дуч келмаслигини кафолатлайди.

— Келаси йилдан эътиборан интенсив боғ яратиш, томчилатиб суғориш ишлари билан шуғулланишни режалаштирганмиз, — дейди Бахмал тумани Қатортол сув истеъмолчилари уюшмаси раиси Ортиқбой Тайлонов. — Ҳар бир соҳадаги ихтисослашувлар тармоқни ривожлантириш баробарида янги лойиҳалар ва инновацияларни амалиётга олиб кираяпти. Бунда, асосан, нафақат маҳсулотнинг арзонлиги, балки, айни бизнинг шароит учун мослаштирилганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Уни ҳар бир фермер хўжалиги ва томорқаларга реализация қилиш эса соҳани ривожлантириш, сув ресурсларини тўплаш имконини беради. Бу нафақат ирригация тармоғини ривожлантиришда, балки мамлакат иқтисодиётини юксалтиришга ижобий таъсир ўтказиши, шубҳасиз.

Олим ЖУМАБОЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

МУОМАЛА МАДАНИЯТИ

самимий суҳбат шарти, муваффақиятлар калитидир

Mutaxassis minbari

Ҳар куни кўча-кўйда, ишхонада таниш-нотаниш лар, ҳамкасблар, ошна-оғайни, дугонадўстлар билан мулоқотда бўламиз. Кузатишлар шуни кўрсатадики, муомала маданиятини таъминловчи психологик омиллар орасида шахснинг мулоқот маромини эгаллаш кўрсаткичи муҳим ўрин тутади. Ўзбек халқининг ўзига хос муомала усуллари мавжуд бўлиб, икки суҳбатдош ўртасида бошланадиган мулоқот саломнинг таъсир кучи билан жуда боғлиқ. Икки кишининг учрашуви "Ассалому алайкум", "Ваалайкум ассалом" калималаридан бошланади. Бу сўзлар инсонларнинг таниш ёки нотанишлигидан қатъи назар, ўзаро муомалада бир-бирига нисбатан самимий ҳурмат ва эҳтиромни ифодалайди.

Муомала маданияти — ижтимоий ва шахсий ҳаётда кишиларнинг моддий-маънавий эҳтиёжларини қондириш ва кўплаб ҳаётий муаммолар ечимини топиш калити ҳамдир. Тил кишиларнинг бир-бирига муносабати ва муомалаларида ўта нозик ва бағоят муҳим восита ҳисобланади. Кишининг кўрки юз, кўз бўлганидек, тилнинг кўрки сўздир. Сўзлар шодаси орқали кишининг ақл-идроки, ахлоқи, билими, маданий-маърифий савияси акс этади. Демак, муомала маданиятининг муваффақияти ўз ўрнида ишлатиладиган ширин сўз билан таъминланади.

Ҳаётда айрим кишиларнинг ён-атрофдагиларга расмий, хушомадгўй, кибр-ҳаволи муносабатлари шоҳиди бўламиз. Айрим кишилар юқори мартабага эришса, ўзининг бошқалардан устунлигини кўрсатиш учун кўпчилик билан саломалик ҳам қилмай қўяди. Аслида эса, инсоннинг қанчалик мартабаси кўтарилса, шунчалик одамларга ўзининг яқинлигини кўрсатиши ижобий ҳодиса ҳисобланади. Юқори лавозимга эришган киши мулойимлик, очиқлик, самимийлик, тўғрилик ва бошқа бир неча тамойилларга амал қилиб иш тутса, янада кўпроқ муваффақиятга эришади.

Муомала маданияти инсондан суҳбатдошига нисбатан горизонтал (бир текисда, тенглик асосида) муносабат кўрсатишни талаб этади. Қаршингизда турган одам мансабдорми, оддий ходимми, эркакми ёки аёлми, унга самимий, дўстона муносабат кўрсата олиш ҳақиқий инсонпарварлик мезони бўлиб келган.

Муомала маданияти бўйича эгалланган билимлар мулоқотга киришаётган томонларни бир-бирига яқинлаштириш, уларнинг суҳбатини бир тизимга тушириш, тарафларнинг ўзаро ахборот алмашишларини енгиллаштириш учун хизмат қилади. Бировни эшитиш ва унга ахборотни тўғри етказиш қоидалари ва тартиблари муомала маданиятининг негизини ташкил қилади.

Агар муайян муаммо юзасидан ким биландир жиддий суҳбатлашмоқчи бўлсангиз, буни ишда, танаффус пайтида, тор жойда, шовқин орасида ёки уйда бола йиғлаб турганда, телефон орқали, суҳбатдошингиз бирор жойга шошилаётганда ёки у ўзини яхши ҳис қилмаётган пайтда амалга оширмаганингиз маъқул, бунинг учун тинч, қулай вақт ва жой танлаш зарур.

Ҳамсуҳбатингизни диққат билан тингланг, гапларини бўлманг. Албатта, узлуксиз сўзлаётган инсонни диққат билан эшитиш мушкул, бунинг учун инсондан катта сабр талаб қилинади. Шуни билингки, эшитиш анатомик, тинглаш эса физиологик акт ҳисобланади. Инсонда товушларни эшитиш органи мавжуд бўлиб, у эшитишда бу органни ишга солади. Тинглашда эса инсон диққат, мушоҳада билан ахборотни қабул қилиши керак. Демак, тинглаш учун диққат жамланиб, суҳбатдошга уни мароқ билан эшитаётганини билдириш кишидан сабр-бардош талаб қилади. Агар сиз ҳам суҳбатдошингизга навбат бермай, тинмай гапираверсангиз, вазият оғирлашади. Суҳбатдошингизни тинглаётганда сиз муомала маданиятига эга инсон сифатида унга нисбатан эмпатик муносабатда бўлсангиз, унинг сўзини юз ифодангиз, имо-ишоралар билан самимий тасдиқлаб турсангиз, унда сизга нисбатан илиқ муносабат, ҳурмат ва қадрдонлик юзага келади. Психологларнинг тадқиқотларига қараганда, 30 сониялик ёки 5—10 дақиқалик тинглаш лаҳзасида қайсидир томоннинг муомала маданиятини чуқур эгаллаганлиги кўринади. Агар сиз суҳбатдошингизнинг сўзларини савол, кесатиқ, қочирим билан бузаверсангиз, у ўз фикрларини жамлай олмайди, суҳбатда узилиш содир бўлади, бунинг оқибатида сиз у айтишни мўлжаллаётган фикр ва қарашларни бетартиб қиласиз. Сизнинг уни сукут билан тинглашингиз — суҳбатдошингизга йўналтирилган "Сенинг сўзларинг мен учун муҳимдир" деган ахборотни ўзида жамлайди.

Фикрни тўғри ифодалаш учун қанчадир вақт керак. Мулоқот жараёнида суҳбатдошингиз билан муҳокама этилаётган мавзуга мутлақо алоқадор бўлмаган бошқа тафсилотлар аралашса, имо-ишорадаги нейтраллик ва босиқлик билан асосий масалага қайтишини илтимос қилинг. Аммо, табиийки, у бирданига ўз диққат-эътиборини асосий масалага қарата олмаслиги ва яна четга чиқиб кетавериши мумкин. Сиз эса яна бир бор босиқлик ва ҳурмат билан асосий мавзу доирасида фикр юритиш кераклигини талаб этишингиз зарур. Бу билан сиз суҳбатдошингизни мазкур жараёнда қаноатли бўлишга ўргатишингиз мумкин.

Суҳбатдошингизнинг «тана забони»га эътибор беринг. Олима Г.Тўйчиева бу атамага шундай таъриф берган: "Тана забони – кишининг юриш-туриши, қандай овозда сўзлашиши, қандай кийиниши, имо-ишоралари, мимикаси, умуман олганда, қандайдир маънога эга бўлган ҳамда ахборот тарқатиш ва қабул қилишда иштирок этадиган ҳаракатлар мажмуидир. Инсоннинг тана забони ўзига хос бўлиб, инсоннинг кайфияти ва характери тўғрисида унинг ўзидан кўра кўпроқ информация беради". Демак, суҳбат жараёнида бизнинг тана ҳаракатларимиз, мимикамиз, овозимиз характери (паст, тиниқ, тинч, осойишта ёки дағдаға, қўпол, таҳдидли) муҳим аҳамият касб этади ва муайян маълумотларни суҳбатдошга узатишда катта рол ўйнайди. Шу боис суҳбат жараёнида бошқаларнинг тана забонига эътибор билан қаранг ва тўғри талқин қилишни ўрганинг. Тана забонини тинч, осуда ва рационал мулоқотга йўналтириш икки томон орасида аниқ ва чегараланган, фақат зарур бўлган маълумотларнинг узатилиши учун имкон яратади. Суҳбатдошингизнинг сўзларига бефарқ эмаслигингизни кўрсатинг, мулоқот чоғи у ёқдан-бу ёққа юрманг, бармоқларингиз билан столни чертманг, соатга дамба-дам қараманг, нигоҳингизни ҳар томонга олманг, ухлаб ёки мудраб қолманг, "уф" тортманг, қўлларингизни кийимингиз чўнтагига солманг ёки сумкангизни очиб, нималарнидир қидирманг. Эътибор билан тингланг. Қаршингиздаги одам учун сизнинг уни тинглаётганингиз жуда муҳим. Яна бир нарсани унутмангки, мулоқотда сиз суҳбатдошингизнинг қандай инсонлигини ҳам билиб оласиз. Бировни англаш жараёни эса унинг дардларини диққат билан тинглашсиз амалга ошмаслигини ёдда тутинг.

Суҳбат давомида очиқ ва аниқ саволлардан фойдаланинг. Шунда рўпарангиздаги одамнинг ҳиссиёт ва хулосалари нималарга асосланганлигини тўғри тушуна оласиз. Яъни, саволлар "ҳа" ёки "йўқ" сўзларини жавоб сифатида талаб қилмайдиган, суҳбатдошингизнинг ўз қараши, нуқтаи назарини билдирадиган руҳда бўлиши лозим. Агар у сизнинг барча саволларингизга "ҳа" ёки "йўқ" деб жавоб бераверса, у ҳақда жуда кам ва ноаниқ маълумотга эга бўласиз.

Ҳар бир инсон бир олам. У ўзининг илми, билими, маданияти, касби ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, шахсига нисбатан ижобий муносабатда бўлишимизни хоҳлайди. Айниқса, ҳар бир инсонга ўз исмини айтиб мурожаат қилиш муомала маданиятининг асосий шартларидан саналади. Кўпинча ташкилот ва корхоналарда ходимлар бир-бирига фамилиясини айтиб мурожаат қилишади, айниқса, ўқитувчилар учун бу одатий ҳол, яъни талаба ёки ўқувчисига фамилияси билан мурожаат қилиш уларга ўнғайроқ. Дарс жараёнида бундай бўлиши табиий ҳол. Лекин вақти-вақти билан ўқувчи-ёшларнинг исмини айтиб, фаолиятга жалб қилиш уларнинг руҳиятида маънавий рағбатни шакллантиради. Танаффусда, дарсдан ташқари пайтлари ўқувчининг исмини мулойимлик билан айтиб мурожаат қилиш уни янада намунали, муносиб, интизомли ўқувчи бўлишга ундайди. Устозининг шунча ўқувчи орасидан айнан унинг исмини эслаб қолганлиги учун бола беҳад севинади. Бу мотивация жараёнидир. Албатта, инсоннинг фамилияси унинг сулоласини эслатиб туради, унинг қалбида ўзгача бир фахр туйғусини уйғотади. Лекин инсонга исмини айтиб мурожаат қилиш томонлар ўртасида илиқ, самимий муносабатларни вужудга келтиради. Инсонга ўз исми ёқимли эшитилади, ички "мен"ига ижобий таъсир кўрсатади. Агар исмини шу номдаги машҳур инсонлар ёки аждодлар номи билан боғлаб айтсангиз (масалан, Нодира — Нодирабегим, Улуғбек–Мирзо Улуғбек ва ҳоказо), исмининг маъносини гўзал тарзда изоҳлаб берсангиз, болани ўзингизга қалбан, руҳан яқинлаштирган бўласиз. Бирор киши билан танишганингизда исмини илк эшитишдаёқ эслаб қолишга ҳаракат қилиш ҳам ижобий баҳоланади. Афсуски, кўпчилик бундай масалаларга аҳамият бермайди. Иккинчи бор мурожаат қилганда, "Исмингиз нима эди?" деган бемаъни савол билан ўзлари ҳам ноқулай аҳволга тушадилар. Балки одамнинг исмини бир мартада эслаб қолиш чиндан ҳам мушкулдир. Бунинг учун ўша исмни сизга аввалдан таниш бўлган вазият ёки инсон билан боғлаб эслаб қолинг.

Суҳбатдошингизга танқид ёқмайди. Суҳбат бировни танқид қилиш ёки "ўқитиб", "адабини бериб қўйиш" ҳам эмас. Танқид қилиш ёки маъруза ўқиш қаршингизда турган одамни сиздан беҳад даражада узоқлаштиради, бу ўртадаги самимиятни йўқотади. Маъруза ўқиш жараёни худди сизнинг ундан устун эканлигингизни, ундан ақллироқ эканлигингизни намойиш қилишдек тасаввур уйғотади. Мақсад эса бошқа, томонлар ўртасидаги ўзаро тенгликка асосланган муносабатни, бир-бирини англаш жараёнини ташкил қилишдан иборатдир. Демак, маъруза ўқишга берилиб кетиш томонларни бир-биридан узоқлаштиришга хизмат қилади.

Ўз шахсий маконингизни муҳофаза қилинг. Шахсий макон бу мулоқот жараёнида сиз ва суҳбатдошингиз орасидаги масофа қандай эканлигини кўрсатадиган тушунча. Ҳар бир инсоннинг ўз шахсий макони бўлади. Бу маконга бошқа одамнинг кириб бориши сизга яқинлиги ва алоқадорлик даражаси билан белгиланади. Сиз танимаган, билмаган одам ҳеч қачон шахсий маконингизга киришга ҳаракат қилмайди, акс ҳолда, сизнинг қўнглингизда хавф уйғонади, сергак тортасиз. Шахсий макон қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

— интим ҳудуд (энг яқин одамларингиз билан мулоқот ўрнатгандаги масофа);

— шахсий ҳудуд (ота-она, ака-ука, опа-сингиллар билан);

— ижтимоий ҳудуд (ҳамкасблар, меҳнат фаолиятингизда муомалага киришадиган шахслар билан);

— оммавий ҳудуд (тадбирлар, байрамлар, йиғилишлар, тўй-ҳашамлар).

Ушбу ҳудудлар инсон маданияти, тафаккури, дунёқараши билан боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин. Агар ёнингизда кимдир ўзини ноқулай сезса, демак, шахсий макон чегараси бузилган. Буни субординация ҳодисаси дейилади. Субординация раҳбар билан ходим ёки ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги мулоқот жараёнида қуйи томоннинг юқори тарафга қатъий итоат қилишини англатади. Албатта, бунда раҳбар ходимга нисбатан ўзининг эгаллаб турган мансабидан келиб чиқиб тазйиқ ўтказмаслиги лозим. Бошқача айтганда, субординация инсоннинг ижтимоий мавқеини ҳисобга олган ҳолда мулоқот жараёнида ўз ўрнини билиши ва муомала маданиятига риоя қилиши деганидир. Бу қоидаларга амал қилиш оилада, ташкилотларда, жамиятда тартиб-интизомни бир маромда ушлаб туришга хизмат қилади.

Кўринадики, муомала маданиятида халқимизга хос кўплаб гўзал фазилатлар намоён. Улардан энг асосийси, хушмуомалаликдир. Мазкур тушунчага «Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати»да қуйидагича таъриф берилган: "Хушмуомалалик муҳим аҳамиятга эга мулоқот шакли бўлиб, юксак инсоний фазилатлардан бири ҳисобланади. Хушмуомалалик ижтимоий аҳамиятига кўра кенг қамровлидир. Хушмуомалалик ўз ичига мулойимлик, муросаи-мадора, оҳисталик, тагдорлик каби сифатларни қамраб олади. Шунингдек, хушмуомалалик қатъий тартиббга асосланган ахлоқий меъёр ҳисобланади: ўзгани ранжитмаслик, бировга ёмон сўз айтмаслик, бахс-мунозарага киришганда мухолифни ҳурмат қилиш, қўрслик ва чапаниликдан холи бўлиш ҳамда суҳбатлашганда эҳтиросларга берилмасликни талаб этади. Хушмуомалалик ҳам маънавий бойлик сифатида шахснинг маданиятли ва чиройли ахлқ эгаси эканини билдиради. Хушмуомалалик суҳбатдошларнинг дилини равшан қилиш, кайфиятини хушнуд этиш, кўнглига таскин бериш учун хизмат қилади".

Демак, хушмуомалалик самимийликнинг ифодаси, кўпгина муваффақиятлар омилигина эмас, айни пайтда тараққий этган жамият барпо этишнинг асоси бўлиб ҳам хизмат қилади. Ҳазрат Навоий дейдики: "Ҳар кимки, чучук сўз элга изҳор айлар, Ҳар нечаки ағёрдурур, ёр айлар". Келинг, азизлар, бир-биримизга ҳамиша хуш-муомалада бўлайлик. Бир-биримизни эзозлашга қанчалик вақт топсак, умримиз шунчалик мазмунли кечади.

Зебо КОСИМОВА,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг "Педагогика ва психология" кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент

Ким бўлса ҳунарсиз, иши-ўқи ранжи эрур,
Бу важҳ илаким, ҳунари ганжи эрур.

Mashhurlar hayotidan

МУЗЕЙЛАРГА КЎЧГАН УМР

Рубенс ижод ва шуҳрат денгизига шўнғиб, қадрдон оиласидан, онасидан узоқлашиб кетганини кеч англади. 1608 йилнинг октябрь ойида Антверпендан, акасидан унга онасининг оғир хаста экани ҳақидаги хат келганида кўзларидан ёш сизиб чиқди ва ҳали бўёғи қотиб улгурмаган янги асари устига томди. Бу унга шунчаки томчи эмас, ғофиллик ранги бўлиб туюлди. Рубенс бир зум болаликдаги саргардонликларни, қийинчиликларни кўз олдига келтирди. Шўрлик онасининг сургун йилларида чеккан азобу укубатларини эслади. Нигоҳлари орқали мункайиб қолган меҳрибон волидасининг мунис чеҳрасини ҳавога чизди... Кейин ортиқ дош беролмади ва зудлик билан уйи томон отланди. Бироқ... Рубенс қадрдон уйига етиб келганда, онаси оламдан ўтиб бўлганди...

Шундан сўнг у Римга қайтмади. Чунки ёш бўлса-да, етарлича донг таратишга улгурган Рубенсга Антверпенда ҳам иш кўп эди. Шу тариқа у қатор сара асарларини айнан шу даврда яратди.

* * *

Питер Паул Рубенснинг энг катта бобоси ҳам Голландиядаги Антверпенда туғилган. Бутун сулолага оид хотиралар, кечмишлар айнан шу шаҳар номи билан боғлиқ.

Рубенслар оиласи, тақдир тақозоси билан, 1573—1578 йиллари Нассауск герцоглигига қарашли у қадар катта бўлмаган Зиген шаҳрида ҳам яшайди. Ана шу даврда, аниқроғи, 1577 йил 28 июнда бўлажак рассом дунёга келди. Питер Зигенда туғилган бўлса-да, болалиги Кёльнда кечди. Фақат 1587 йили отаси вафот этгачига, Рубенслар оиласига ота шаҳри — Антверпенга қайтиш учун рухсат берилди. Ўшанда ёш рассом ўн ёшга тўлганди.

У графиня де Лялен саройида хизматкорлик учун ёлланди. Аммо Рубенс бир умр шу зайл яшаш мумкин эмаслигини биларди. Шу боис ҳар бир имкониятдан унумли фойдаланиб, зодагонлар эътиборига тушишга интилди. Рубенс қаламкашлик билан жуда барвақт шуғуллана бошлади. Унинг рассом сифатида шаклланишига Италия уйғониш даврининг намоёндалари — Тобиас Вергагт, Адам ван Ноорт ҳамда Отто ван-Вэн ижоди кучли таъсир ўтказди. Айниқса, Отто ван-Вэн ижоди орқали у антик давр тасвирий дунёси асирига айланди.

Рубенс йигирма бир ёшидаёқ Антверпен рассомлар гильдиясининг мустақил аъзоси эди. 1600 йилда эса, у голландиялик санъаткорлар анъанасига биноан таҳсилни Италияда давом эттирди. 1601 йилдан бошлаб Мантуан қасрида герцог Винченцо Гонзаги ҳимоясида фаолиятини бошлади. Ҳеч қанча вақт ўтмай, герцог топшириғи билан Рубенс Рим шаҳрига йўл олди. У ерда Питер италиялик санъаткорлар ижоди ва тажрибасини синчиклаб ўрганди. Кейин бироз вақт Мантуеда яшади. Сўнгра Испанияга бориб, Прадо асарлари тўплами билан танишди. Шунингдек, унинг Мантуан элчиси сифатида Мадрид аъёнлари билан ўрнатган дўстона муносабати, сиёсат вакиллари билан хушмуомалалиги, уддабуронлиги натижасида юксак эҳтиром қозонгани герцог Винченцода катта таассурот қолдиради. Тарихчилар Рубенснинг инсон сифатида ҳам тарбияли, олижаноб ва сермулозаат эканини ёзиб қолдиришган.

Мантуе шаҳрида яшаган вақтида мусаввир маҳаллий суратлар галереясини бошқарди. Шаҳардаги диққатга сазовор жойларга кўрк бағишловчи турли мавзуга оид портретлар ҳамда бошқа жанрдаги асарларни чизди. Унинг ўзга юртларда шуҳрат қозонгани тезда Мантуан герцоглигига етиб келгач, Рубенс Генуэз шаҳридаги Сант-Амброжио ибодатхонасига расм чизиш учун юборилди.

Бора-бора кўҳна қитъага овоза бўлаётган ёш рассом яратаётган тасвирларда Тициан, Тинторетто, Коррежо, Микеланжело, Рафаэль, Леонардо да Винчи каби ўнлаб санъаткорлар услуби, бемисл тажрибаси ва юксак маҳорати эвазига вужудга келган мактаблар анъаналари ўзаро қоришиб кетганини англаш мумкин эди. Шунинг учун ҳам унинг асарлари қиролликка ҳам, халққа ҳам бирдек манзур бўларди.

1605 йили Рубенс акасининг ёрдамида Рим шаҳрига кўчиб келди. Икки йил давомида ўтмиш рассомлари яратган классик асарларни бирма-бир қайтадан кўриб чиқди. 1607 йили мазкур билимлари асосида Генуэз аристократлари портретларини яратди. Рубенс бу пайтда генуэзлик банкир Якопо Серра билан танишиб қолиб, Рим папаси хазинасидан кредит олишга муваффақ бўлди. Молиявий кўмак берилгани учун миннатдорлик тариқасида Рубенсдан Римдаги Санта-Мария-ин-Валичелла ибодатхонаси учун расм чизиб бериши сўралди...

* * *

1609 йилнинг октябрида Рубенс кўплаб машҳур асарлари бош қаҳрамони — Изабелла Брант билан турмуш қурди. Янги шароит, оилавий муҳит рассомга қўшимча қанот берди гўё. Кейинги ўнйиллик ичида у шу қадар тўлиб-тошиб ижод қилдики, сермаҳсуллик бобида Европа миқёсида унга биргина ғойибий устози Тициянни тенглаштириш мумкин эди. Қисқаси, 1620 йилга келиб, Рубенс ижодига мансуб асарлар, уларнинг эскизлари Европага тарқалди. Рубенс одатда ҳаётига оид 24 полотно чизди (кейинчалик улар Лувр музейига кўчирилган).

1628 йили Испания қироли Филипп IV уни Мадридга таклиф қилди. Бу ерда Рубенс буюртмани чизиш билан бирга, болалигидан ёқтирган рассоми Тициан асарлари тўпламининг асл нусхаларини ўз кўзи билан кўришга муваффақ бўлди.

1629 йилда у элчи сифатида Лондонга юборилди. Мақсад қирол Карл I билан тинчлик битими юзасидан музокаралар ўтказиш эди. Голланд ҳукуматининг таклиф ва талаблари инобатга олинди. Бунинг эвазига Рубенс Лондон шаҳрида жойлашган серҳашам Уайтхолль қасридаги тадбирлар залини аллегория жанрига оид расмлар билан безади. Унинг ушбу тасвирларида Европада диний ақидабозлик ва бидъатларга муккасидан кетган чиркин тузум барҳам топиб, янги давр — олам ва одам тафаккурини ўзгартирувчи илм-фан кашфиётларига жиддий тарзда қўл уриш вақти келганини англатувчи ишоралар борлигини уқиш мумкин эди.

Рубенснинг бутун ижодиёти — *брейгел реализми* ва венеция мактаби ютуқлари билан узвий боғлиқ. Гарчи у асосан мифологик мавзулардаги теран асарлари билан бутун Европада ном қозонган бўлсада, портрет ҳамда пейзаж жанрининг ҳам устаси бўлган. Рубенс ҳаёт жилоларини унинг ижтимоий кўринишларида тасвирлашга интилди. Юксак дид билан ишланган асарларда безак кўлами ниҳоятда бой, шакллар жўшқин ҳаракатда акс эттирилган, нурсоя кескинлигидан кенг фойдаланилгани эътиборни тортади. Шуни ҳам айтиш керакки, рассомнинг, айниқса «Пўстинча», «Севги боғи», «Бегемот ови», «Парис суди», «Изабелла Брант автопортрети», «Кларанинг қизи», «Похол шляпача», «Елена Фурман ва болалари», «Камалакли манзара» ва «Қуёш ботишидаги манзара» каби асарлари кўпроқ шуҳрат қозонган.

Рубенс Европа Уйғониш даври намояндаларининг энг буюк асарларини, уларда муваффақият билан қўлланилган жанрлар сир-асрорини тўла ўрганди ва ўз даврининг универсал рассомига айланди. Рубенс фламанд рангтасвир мактабига асос солиш билан бирга, Европа рассомлари орасида *барокко* йўналишига биринчилардан бўлиб *ов манзаралари* жанрини олиб кирди.

Хусусан, «Бегемот ови» деб номланган асарида инсон нигоҳидаги такаббурлик, ғолиблик, аксинча, ҳайвонлар кўзидаги итоаткорлик, қўрқув ва даҳшат манзараларини акс эттирган. Кўзи қонга тўлган овчилар учқур отларни жиловлаб, шикор итлари ёрдамида узун тиғли найзалар билан бегемотни ўлдиришга киришган. От устидаги уч овчининг кўзида уч хил ҳиссиёт – киборлик, ўжарлик ва хунрезлик. Булар аслида Рубенс яшаган даврнинг рангтасвирга жо бўлган мураккаб сиёсий-ижтимоий кўринишлари эди...

Отдан йиқилиб, йиртқичлар тагида қолган одам эса жон ҳолатда қўлидаги ханжарни бегемотга санчишга чоғланган. Шунингдек, ов вақтида ёввойи мавжудотдан зиён кўрган камончи ерга юз тубан йиқилган. Рассом ушбу эпизод билан овда ғолиб ҳам, мағлуб ҳам инсон, демоқчи бўлгандек гўё... Ақлидан кўра, нафси устунлик қилган кимсаларнинг ширин умрини хатарга қўйиб, кўнгилхушлик юзасидан қилаётган ошкора қотиллиги ва ундан завқланаётгани, бунинг учун табиатнинг тилсиз ва онгсиз вакиллари қирилиб кетишидан қўрқмаётгани гавдалантирилган тасвирлар ушбу картина мухлисларини ўйга толдиради.

«Бегемот ови» асарида Рубенс ранглар гармониясидан ҳам унумли фойдаланган. Қизил, ҳаворанг, яшил, оқ, қора ва сариқ ранг — буларнинг барчаси асар руҳига мананд равишда, яъни бўғиқ тусда. Бу асар сюжетига ва композициясига мос тушган. Бундан ташқари, мусаввир рамзларни ҳам ўз ўрнида ишлатган. Тимсоҳ — ёвузликнинг «совуқ» ангори, от — тезлик ва куч, ит — итоаткорлик, қоплон — чорасизлик, бегемот — ғазаб...

Рубенс. «Бегемот ови» асари.

* * *

Умрининг катта қисмини сарф этиб яратган асарлари муҳташам музейларга жўшқинлик киритган улкан санъаткор, давлат ва жамоат арбоби Питер Рубенс 1640 йили 63 ёшида Антверпенда вафот этди. Буни қарангки, орадан уч юз йилдан зиёдроқ вақт ўтиб, 1947 йили у яшаган уй музейга айлантирилди.

Зоҳиджон ХОЛОВ тайёрлади.

ИҚЛИМШУНОСЛАР МУҲОКАМАСИГА САБАБ БЎЛМОҚДА

Сўнгги йилларда иқлимшунос олимлар ўртасида дарахт танаси ҳалқаларининг ҳажмига қараб иқлим ўзгаришлари ҳақида хулоса чиқариш масаласи қизғин муҳокамаларга сабаб бўлмоқда.

«Ars Technica» манбасида келтирилишича, ўтган йили Майкл Манн, Хосе Фуэнтес ва Скотт Резерфорд каби олимлар томонидан ҳалқаларнинг ҳажми ҳақиқатдан ҳам иқлим ўзгаришларини ифодалайдими, деган савол юзасидан қатор изланишлар олиб борилган эди.

Олимлар хулосасига кўра, йирик вулқонлар отилган ёки ҳаво ҳарорати паст бўлган йиллари дарахтлар умуман ўсмайди, ўз навбатида, ҳалқалар ҳажми ҳам кўпаймайди.

Бундай хулосага келишга кучли вулқон отилган ёки кучли совуқ тушган йиллардаги дарахт ҳалқалари нисбатан иссиқ келган йилдагилари билан бирлашиб кетиши сабаб бўлган. Шунингдек, дарахт денгиз сатҳидан баландда ўсса, иқлим ўзгаришларини аниқлашда чалкашликлар вужудга келиши таъкидланган. Олимларнинг эътироф этишича, иқлим ўзгаришларини қайд этишда мазкур жиҳатлар эътиборга олинган тақдирда компьютер моделлари асосида янада яхшироқ натижага эришиш мумкин.

ГАДЖЕТ ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРИ УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Замонавий мобил телефонлари ва планшет-компьютерлардан фойдаланувчилар сенсорли экран орқали матн теришда бироз ноқулайликка дуч келиши табиий ҳол. Зеро, экраннинг маълум қисмининг виртуал клавиатура учун ажратилиши матнларни тўликроқ кўринишда кузатиш, таҳрир қилишда мураккаблик туғдиради. «Apple» компанияси мазкур ноқулайликни бартараф этишнинг ўзига хос ечимини топди.



Компания АҚШ патентлар ва савдо белгилари бошқармасига ана шундай янги технологияга асосланган маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳуқуқини олиш учун ариза топширди. Ушбу технология портатив қурилмалар учун лазерли проекцион клавиатураларни ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Унга кўра, янги қурилмалар мини проекторлар билан жиҳозланиб, стол устида клавиатура аксини тушириш орқали ишлайди.

Гаджет фойдаланувчилари бундай технологиядан IPadнинг янги моделларида фойдаланишлари мумкин.

ВИТАМИН МИҚДОРИ ТАНА ВАЗНИГА БОҒЛИҚ

Британиялик олимлар томонидан организмда Д витамини миқдорининг тана вазни билан боғлиқлиги ўрганилмоқда. Семириш ва Д витамини ўртасидаги боғлиқлик тиббиёт мутахассисларига аён. Бироқ бу жараён айнан қайси жиҳатлар билан асосланиши қоронғу эди. Хўш, чиндан ҳам, ушбу витамин меъёрини таъминлаш учун ортиқча вазндан воз кечиш керакми?

Мутахассислар 42 минг кишининг генларини ўзаро солиштириб, кенг миқёсдаги генетик тадқиқотни амалга оширдилар. Улар генларда одатий озишда иштирок этувчи 12 турдаги маркерларни аниқлашга ҳаракат қилди. Кутилганидек, бундай маркерлар мавжуд бўлмаган генлар ортиқча вазнга эга ҳамда Д витамини миқдори кам бўлган кишилардагина аниқланди.

Олимлар томонидан витамин миқдорини камайтирувчи генетик омиллар ҳам тадқиқ қилинди. «PLoS Medicine» веб-журналида берилган маълумотларга кўра, витамин ва ортиқча вазн ўртасида бир томонлама боғлиқлик мавжуд: озиш орқали Д витамини миқдорини ошириш мумкин, бироқ миқдорни камайтириш эвазига семириш имконсиз.

Қизиғи шундаки, ортиқча вазнга эга кишилар қуёш ваннасини қабул қилиш орқали организмда Д витамини мувозанатини таъминлаш учун, аввало, тана вазнини меъёрига келтиришлари лозим. Акс ҳолда, уларда терини ультрабинафша нурларидан асраб, моддалар алмашинуви, иммунитет фаолиятини қўллаб-қувватлаш, инфекцияларга қарши курашда иштирок этувчи витаминга эҳтиёж меъёрида бўлмаслиги мумкин.

ДЕНГИЗ ТИПРАТИКАНЛАРИДАН ЯНГИ УСУЛ

Ньюкасл университети (Британия) олимлари Лидия Шиллер ва Гуарав Ашок Бадури денгиз типратиканлари экзоскелетлари асосида углерод оксиди газини ажратиб олиш механизмини ишлаб чиқишди. Мазкур жараёнда никель нанозаррачалари асосий роль ўйнайди.



Денгиз типратиканлари устида олиб борилган изланишлар шуни кўрсатдики, уларда никелнинг юқори концентрацияси мавжудлиги боис атрофида углерод оксидининг тўлиқ бирикуви кузатилган. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, никель нанозаррачалари углерод оксиди газининг бирикувида аввалги методлардан кўра самаралироқ катализатор вазифасини ўтар экан.

Маълумки, турли ферментлар кислотали муҳитда унчалик фаол эмас. Жумладан, газ ҳосил қилишда ишлатилувчи кўмир кислотаси (H_2CO_3) иш самарадорлигини пасайтириб, маҳсулот таннархининг ошишига олиб келар эди. Никель нанозаррачалари эса бундай муҳитга бардошли бўлгани учун жараёнда қийинчиликларни бартараф этади ва реакция тўлиқ якунланганидан сўнг магнитли қурилмалар ёрдамида тўлиқ йиғиб олиниб, зарурат туғилганда қайта фойдаланилади.

Таъкидлаш ўринлики, углерод оксиди гази E290 коди остида консервант ва юмшатувчи сифатида, шунингдек, газланган минерал ва салқин ичимликлар тайёрлашда қўлланилади. Шу билан бирга, ўт ўчириш ва пайвандлаш ускуналарида ҳам оловга қарши восита сифатида кенг ишлатилади. Янги технология эса мазкур маҳсулотлар нархининг арзонлашувига олиб келиши шубҳасиз.

Изланишлар натижаси борасидаги маълумотлар «Catalysis Science & Technology» журналида чоп этилди.

ОҚСИЛЛАР ТЕМИРНИ ЗАРАРСИЗЛАНТИРАДИ

Минг йиллардан буён темир инсоният учун фойдали элементлардан бири сифатида кенг қўлланилади. Темир нафақат турмуш тарзимизни, балки саломатлигимизни ҳам мустаҳкамловчи муҳим элемент ҳисобланади. Барчага маълумки, гемоглобин молекуласи таркибидаги темир моддалар алмашинуви жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Бироқ ушбу элементнинг гемоглобин молекуласи таркибидан чиқиб кетиши саломатлигимиз учун турли нохуш ҳолатларни вужудга келтиради.

Организмда доимий равишда эритроцитлар алмашинуви рўй бериб, эски қизил қон таначалари ўрнига янгиларининг пайдо бўлиши эса, мазкур узлуксиз жараёнда темир моддасини зарарсиз ҳолатда таъминлаб туриш заруратини вужудга келтиради.

Мэриленд ва Гарвард университетлари тадқиқотчилари ҳамкорликда бундай вазиятларда организмда темирни зарарсизлантиришга хизмат қилувчи оқсил мавжудлигини аниқлашди. Олимларнинг «Cell Metabolism» журналига берган маълумотларига кўра, аниқланган HRG1 оқсили аввалроқ баъзи денгиз паразитларида (нематот — кўп ҳужайрали чувалчангсимон денгиз жонивори) аниқланган эди. Бироқ эндиликда бу каби оқсилларнинг кўриниши ўзгармаган ҳолда балиқ, сичқон ва хамиртурушда, шунингдек, одам қонида ҳам мавжудлиги исботланди.

Санжар РУСТАМОВ тайёрлади.

JUMLADA JAHON
yangiliklar ● xabarlar

АҚШ Геологик хизматининг маълум қилишича, Тинч океанининг Соломон ороллари яқин ҳудудларида қайд қилинган магнитудаси 8,0 балга тенг зилзила оқибатида цунами хавфи вужудга келиши мумкинлиги тўғрисида аҳоли огоҳлантирилган.

Тинимсиз ёққан ёғинлар туфайли вужудга келган қор ва ер кўчкилари оқибатида Покистоннинг турли ҳудудларида 37 нафар кишининг ҳалок бўлгани, Хайбер-Пахтунхва провинциясида эса 4 нафар боланинг том қулаши натижасида ҳаётдан кўз юмгани ҳақида хабарлар тарқатилган.

«BBC News» манбасида нигериялик денгиз қароқчилари томонидан эгаллаб олинган француз танкери жорий йилнинг 6 февраль куни Кот-д'Ивуар қирғоқлари яқинида озод қилингани, 17 нафар кема экипажидан ҳужум вақтида жароҳатланган икки нафарига тиббий ёрдам кўрсатилгани маълум қилинди.

«Los Angeles Times» газетасининг хабар қилишича, Америка Қўшма Штатларининг Калифорния штатидаги Риверсайд округида 33 ёшли собиқ полициячи Кристофер Жордон Дорнер ўз ҳамкасбларига қуролли ҳужум уюштириб уч кишини жароҳатлаган ва улардан бирининг умрига зомин бўлган.

Швеция ҳукумати томонидан жониворлар популяциясини яхшилаш мақсадида 16 турдаги бўрини танлов асосида овлаш мумкинлиги тўғрисидаги қарор ҳайвонларни ҳимоя қилувчиларнинг кескин норозилиги боис бекор қилинди.

CNN тарқатган маълумотларга кўра, Америка Қўшма Штатларининг шимоли-шарқидаги кучли қор бўрони оқибатида Бостон, Чикаго ва Вашингтон сингари йирик шаҳарлардаги 60та аэропортда 3300га яқин авиарейслар бекор қилинган.

Оз демак ҳикматқа боис ва оз емак сиҳҳатқа боис.

ХОЛЕСТЕРИН

ҳам фойдали, ҳам зарарли

«Қибрай» клиник санаторийсининг доимий мижози — хоразмлик 78 ёшли онахон Мунаввара Собированинг қон таҳлилида холестерин миқдори нисбатан камлиги, гемоглабиннинг эса меъёрга яқинлиги шифокорларни ажаблантирди. Кўз тегмасин, опа тетик, қадам олиши бардам, иштаҳаси ҳам жойида. Бу ёшдаги отахон ва онахонларнинг қадам ташлаши жуда секинлашиб, қон таркибида холестерин миқдори анча кўп бўлади. Қон босими, юрак хуружи уларни тез-тез безовта қилади.

Ўз саломатлигининг сирини Мунаввара опа шундай изоҳлайди:

— Ёғли, қовурилган таомлардан воз кечганман, кўпинча парҳезда юраман. Шиорим — доимо ҳаракатда бўлиш, қийин ҳазм бўладиган овқатларни уйқуга ётишдан камида тўрт соат олдин ейиш. Қон босимим меъёрида. Уйқуга ётиш олдидан 10—15 дақиқа сайр қилиш одатим бор.

Узоқ йиллар Урганч шаҳридаги ветеринария станциясини бошқарган Мунаввара опа қандай қилиб холестериндан ўзини халос этгани, ҳақиқатан ҳам, кўпчиликни қизиқтиради. Холестерин аслида нима? Шифокорлар тез-тез тилга оладиган бу модда организмимизда қай тариқа ҳосил бўлади? Унинг организмда кўпайиб кетмаслиги ва айрим касалликларнинг келиб чиқиши учун шарт-шароит яратиш ҳолатини бартараф этиш мумкинми? Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси тиббиёт-санитария бирлашмасига қарашли 2-марказий поликлиника терапевти Башорат ХОЛМАТОВА ушбу саволларга қуйидагича жавоб беради:

— Холестерин ёғсимон модда ҳисобланиб, 80 фоизи жигарда ишлаб чиқарилади. Кундалик истеъмол қиладиган озиқ-овқат турлари ҳам холестерин ҳосил қилиниши учун замин яратади. Шифокорлар тили билан айтганда, бу модда организмдаги ҳужайралар учун «қурилиш хомашёси» вазифасини ўтайди. Чунки у ҳужайраларнинг организмда ҳосил бўлиши учун хизмат қилади, тўқималарда узлуксиз ҳаракатни таъминлайди.

«Холестерин» сўзи грекча «chole» ўт, «stereo» қаттиқ деган маънони англатади. Биринчи марта ўт тошидан ажратиб олинган. Мускул, мияда кўп миқдорда бўладиган холестерин жинсий гормонларни ишлаб чиқаришда ҳам иштирок этади. Сувда эримайди, органик эритувчиларда яхши эрийди, рангсиз кристалл. Бу модда барча тирик организмларда турлича миқдорда учрайди. Кўпроқ қисми нерв ҳамда ёғ тўқималарида, тухум ва сперма ҳужайраларида, жигарда, буйрак усти безларида жойлашади. Қон плазмасида холестерин юқори ёғ кислоталари (олеин кислота) билан бирга мураккаб эфир ҳолида учрайди. Организмда холестерин буйрак усти безлари гормонлари, ўт кислоталари, Д витамини ва бошқалар алмашинувида қатнашади. Холестерин қонда айланаётган моддада икки хил бирикма кўринишида ҳосил қилинади — майда зичликдаги липопротеинлар ва юқори зичликдаги липопротеинлар.

Соғлом организмдаги холестерин миқдори қонда 5,7 ммоль/л., яъни 200 мг./дц миқдорида бўлиши керак. Лекин унинг ортиқча ишлаб чиқарилиши ва қонда айланиб юриши оғир оқибатларга олиб келади. Ҳаддан ташқари ёғли ва калорияси юқори, таркиби холестеринга бой таомларни кўп истеъмол қилиш, кам ҳаракатда бўлиш (гиподинамия), ортиқча вазн, чекиш каби омиллар қондаги холестерин миқдорини кўпайтириб юбориши мумкин.

Замонавий тиббиётда холестерин миқдори икки хил усулда аниқланади. Холестеринниг умумий миқдоридан ташқари унинг таркибий қисмига кирувчи моддаларни ҳам аниқлаш керак. Уларга жуда майда, ўртача ва юқори даражадаги ёғ заррачаларини киритиш мумкин. Ушбу моддаларнинг таркибий қисмларини ташкил этувчи ёғ заррали организмда нормал ҳаракатлана олмаса, айрим касалликлар келиб чиқиши мумкин.

Атеросклероз қон-томирларда ёғсимон модданинг тўпланиб қолиши натижасида келиб чиқадиган шундай касалликдир. Ёғсимон модда томирларда қоннинг нормал айланишига тўсқинлик қилади. Бу майда зичликдаги липопротеинлар меъёридан ошиб кетганлигини билдиради. Атеросклероз, ўз навбатида, бошқа касалликларнинг ривожланиши учун шарт-шароит туғдиради. Масалан, юрак ишемик касаллиги, майда қон томирлардаги хасталиклар шулар жумласидан.

Юқори зичликдаги ёғ заррали яхши холестерин бўлиб, артерия қон томирларидаги функцияни бир қадар яхшилайди.

Организмдаги холестерин миқдорини меъёрлаштириш мумкинми? Ҳа, бунинг имкони бор. Холестеринни камайтирувчи моддалар кўкчой, саримсоқпиёз, олма, дон маҳсулотлари таркибида учрайди. Жадвалга эътибор қаратинг:

Маҳсулот номи	Миқдори	Холестерин (мг. ҳисобида)
Сут, қатиқ	200 грамм	29 мг
Бринза	25 грамм	17 мг
Творог (ёғли)	100 грамм	57 мг
Творог (ёғсиз)	100 грамм	32 мг
Сариёғ	5 грамм	12 мг
Қайнатилган қўй гўшти	100 грамм	98 мг
Қайнатилган мол гўшти	100 грамм	94 мг
Қайнатилган товуқ гўшти	100 грамм	89 мг
Қайнатилган тил	100 грамм	90 мг
Балиқ (треска, судак, хек, зоғора)	100 грамм	65 мг
Балиқ консерваси	100 грамм	51 мг
Тухум сариғи	Бир донада	200 мг

Ҳар бир киши кундалик озиқ-овқат рациони орқали ўзи учун энг зарур меъёрдаги калорияни қабул қилади. Рўйхатда кўрсатилган озиқ-овқатлар орасида энг юқори кўрсаткич тухум сариғида эканини сезиш қийин эмас. Иккинчи ўринда сариёғ турибди. Сут ва балиқ маҳсулотлари таркибида холестерин миқдорининг нисбатан камлигини ҳар бир киши билиши керак.

Холестеринсиз ҳаёт йўқ, дейишади шифокорлар. Аммо унинг организмда ҳаддан ташқари кўпайиб кетишига йўл қўймасликда гап кўп, буни унутманг.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА ёзиб олди.

Mulohaza

ЛУДОМАНИЯДАН БОЛАНГИЗНИ АСРАНГ!

Ўқитувчилар касб тақозоси туфайли жуда синчков. Арзимаган нарса ҳам уларнинг эътиборидан четда қолмайди. Устоз болага билим бериш билан бирга ўқувчиларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан ҳам хабардор бўлиши керак.

– Яқинда автобусда бир хунук манзаранинг гувоҳи бўлдим, – дейди муаллимлардан бири. – Ёшгина қиз ҳеч қандай мусиқа янграмаса-да, телбалардек рақсга туша бошлади. У танасини шу қадар ёқимсиз тебратардики, бунга эътибор бермасликнинг иложи йўқ эди. Қарасам, қулоғига наушник тақиб олган экан. Кимдир кулди, кимдир юзини тескари бурди, хуллас, бу қизга танбеҳ берадиган инсон топилмади.

Биз мусиқани тарбия воситаси деб биламиз. Аслида эса, беозор кўринган оҳанглар қатида инсон онгини заҳарловчи ғоялар яширинган бўлиши ҳам мумкин. Маънавий ҳордиқ чиқаришнинг энг яхши воситаси ҳисобланган мусиқа ҳозирги кунда инсонийликдан бутунлай йироқ кишилар қўлидаги қуролга айланди. Бу оддий тилда "мусиқий наркотик" деб юритилади. Юқорида келтирилган воқеа мисолида бунга ишонч ҳосил қилиш қийин эмас. Ахир, ўзбек қизи, кенг омма ўртасида ножоиз хатти-ҳаракатлари билан одамларни ўзига жалб қилиши мумкинми? Ўзбек қизларининг шарқона одоби, шарму ҳаёси бунга йўл қўймайди. Ҳозирги вақтда турли клиплар, беҳаё мусиқа ва қўшиқлар қизларимизнинг ибо пардасини сидириб ташлаётганини кўп кузатмоқдамиз.

Яқинда бир ҳамкасбим синфида сўровнома ўтказиб кўрибди. Болаларга «Телевизор орқали қандай кўрсатув ва кинолар кўпроқ қўйилишини истардингиз?» дея анкета саволи тарқатибди. Болаларнинг аксарияти «Уруш ҳақидаги қўрқинчли эртаклар бизга ёқади», деб жавоб беришибди. Нима учун фарзандларимиз тажовузкор фильмларни яхши кўришади? Агарда айрим хориж киноларини кузатадиган бўлсак, қаҳрамонлари сифатида тажовузкор, исталган вақтда душманининг пешонасидан "дарча" очиб қўйишга тайёр образлар танланади. Ваҳшийлик, зўравонлик ва, умуман, инсонийликка зид иллатларни экранга олиб чиқиш одамни жазавага тушириб, аламзадаликни қўзғатишга хизмат қилади. Телеэкран орқали намойиш этилаётган қотиллик эпизодларининг барчаси ҳам ҳаётдан олинмайди. Бундай хунрезликларни кўриб вояга етаётган болалар кейинчалик фильм воқеаларини амалда бажариб кўришга интилмайди, деб ким кафолат бера олади?!

Яна бир оғриқли нуқта — фарзандларимизнинг компьютер ўйинларига муккасидан кетганлигидир. Бугун қайси интернет кафега кирмайлик, бир хил манзаранинг гувоҳи бўламиз. Экран олдида она сути оғзидан кетмаган фарзандларимиз ўтиришади. Ўйин қаҳрамонлари совуқ қиёфаларда, темир совутни кийиб олган, бир-бирига қурол ўқталган ҳолатлар, турли отишмалар, боши танасидан узилган жасадларнинг қаторлашиб турганини кўрамиз. Бундай ўйинларга берилган фарзандларимиздан эзгуликни кутиш мумкинми? Энг аянчлиси, бир кишига мўлжалланган ўриндиққа иккинчи, ҳаттоки учинчи болакай ҳам жойлашиб олган. Улар жиддий вазифани адо этаётгандек бир-бирига кўрсатма бериб ўтиришади. "От", "Ўнгга қоч", "Ўлдир" "Калласини чопиб ташламайсанми", "Янгисини ўғирла". Шафқатсиз буйруқларни қаранг. Томошабинлардан бири гирром ўйнаса, қолганлари жаҳл отига миниб, шеригини уриб кетишдан ҳам тоймайди.

Террорчи Андерс Брейвикнинг кундалигида ёзилишича, ўз режасини амалга ошириш учун у бир йил давомида бузғунчи ўйинлардан бирини ўйнаб, мерганлик маҳоратини оширган экан. Чиндан ҳам, бундай ўйинлар фарзандларимизнинг жанговарлик руҳида улғайишига замин ҳозирламаяптими? Энг ёмони, бу уларда компьютер ўйинларига "михланиб қолиш" касаллигининг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Бу касаллик "лудомания" деб аталиб, ("лудус" – лотин тилидан олинган бўлиб, ўзбекчада «ўйин» дегани), компьютер ўйинларига муккасидан кетиш, деган маънони англатади.

Дунё олимлари лудоманияни «XXI аср касаллиги» деб атаётгани, энг даҳшатлиси, бу хавф инсониятга гиёҳвандлик ва алкоголизм билан теппа-тенг хавф солаётгани ҳақида ташвишланиб гапирмоқда. Охири фожиага олиб келадиган бундай ўйинлар дискини харид қилиб, фарзандларига ҳадя этаётган ота-оналарнинг бундан хабардорлик даражаси қандай?

Вақт ажратиб, дисклар баҳоси билан қизиқдим. Битта ўйин ёзилган дискнинг баҳоси ўн минг сўмнинг нариберисида экан. Ота-оналар бунинг ўрнига иккита яхши китобни фарзанди учун харид қилиши мумкин-ку! Китоб орқали фарзанд қалбига маънавият зиёсининг сочилишини биз педагоглар қўллаб-қувватлаймиз. Афсус, аксарият ҳолларда, китоб учун ўн минг сўм сарфлаш зарурати туғилса, жуда қиммат экан, деб айримларнинг энсаси қотади.

Миллий маънавиятимизни асраш, урф-одатларимизга содиқ бўлиш, унга таъсир қилувчи салбий оқибатларнинг олдини олиш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий дунёқарашини шакллантириш учун фарзандларимизнинг мантиқий тафаккурини ривожлантириш талаб қилинади. Фарзандларимиз онги ва шуурини ёт таъсирлардан ҳимоя қилиш биринчи галдаги вазифамиз бўлиши зарур.

Дилором УСМОНОВА,
Шайхонтоҳур туманидаги
254-мактаб ўқитувчиси

СПОРТ ҚИЗЛАРНИ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАЙДИ

Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида замонавий спорт иншоотлари барпо этилиб, халқаро андозалар даражасида жиҳозланиб, миллионлаб ёшларимизнинг кўплаб спорт турлари билан мунтазам шуғулланишига имконият яратмоқда. Айниқса, қизларнинг жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этилаётгани қувонарли холдир. Спорт қизларнинг жисмоний ва маънавий гўзалликка эришишида энг яқин кўмакчи экани бугун ҳеч кимга сир эмас.

Президентимизнинг "Ўзбекистонда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонларида белгиланган вазифаларнинг ҳаётимизга изчиллик билан татбиқ этилаётгани бугун ўз самарасини бермоқда. Ортда қолган йиллар давомида амалга оширилган ислоҳотлар натижасини бутун республика микёсида, хусусан, Қашқадарё вилоятида ҳам кўриш мумкин. Жамғарма маблағлари ҳисобидан 143та замонавий спорт иншоотлари ва 11та болалар мусиқа ва санъат мактаби, жами 154та объектда қурилиш-таъмир ишларининг бажарилгани фикримиз исботидир.

Яккабоғ туманининг тоғли ҳудудларида жойлашган Имом Ёқуб қишлоғидаги 36-мактаб спорт зали ҳам доим ёшлар билан гавжум. Спорт залига кириб борганимизда, кураш тўғараги машғулотлари бошланиб кетган экан. Йигит-қизлар чигалёзди машқларини бажаришмоқда. Энг қизиғи, ёш полвонларга кураш сирларини аёл мураббий ўргатаётганига шоҳид бўлдик.

1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси Гулдона Рўзиева ҳали ёш бўлишига қарамай, кураш, дзюдо, самбо, белбоғли кураш бўйича спорт устаси. Унинг Қарши олимпия захиралари спорт коллежини тугатиб, иш бошлаганига эндигина бир йил бўлди. Лекин шу фурсат ичида шогирдлари қатор ютуқларга ҳам эришиб улгурди.

— Тумандаги 36-мактаб спорт залида ташкил этилган тўгаракда 80 нафар ўқувчи шуғулланади, — дейди Г.Рўзиева. — Уларнинг 30 нафарини қизлар ташкил этади. Бир қарашда, спортнинг бу тури йигитларга хосдек кўринади. Аммо ўз саломатлиги учун қайғурган, жисмонан бақувват, руҳан тетик бўлишни истаган ҳар бир инсон, албатта, кураш билан шуғулланганги яхши. Бу қизлар чемпион бўлмаслиги, юксак натижаларга эришмаслиги мумкин, бироқ соғлом, машаққатларга, қийинчиликларга бардошли бўлади. Шунда у вақти келиб оила қурганида, фарзандли бўлганида ҳаётий муаммоларни осонлик билан ҳал эта олади, деб ўйлайман. Қишлоғимизда 2011 йили Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан спорт мажмуасининг қурилиб, фойдаланишга топширилгани барчани бирдек қувонтирди. Бугун мазкур мажмуада шуғулланаётган қишлоқ ёшлари орасидан ҳам совриндорлар етишиб чиқмоқда.

2012 йилнинг октябрида Қарши шаҳрида дзюдо бўйича бўлган хотира турнирида шу қишлоқлик ёш полвон Рамазон Ҳасанов 66 кг. вазн тоифасида фахрли 3-ўринни қўлга киритди. Конституциямиз қабул қилинганининг 20 йиллиги муносабати билан ўтказилган кураш бўйича туман биринчилигида Бекзод Бердиев олтин медаль билан тақдирланди.

— Яккабоғ болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тўғараклари туманимиздаги 13та мактаб спорт залларида ҳам олиб борилмоқда, — дейди спорт мактаби директори Бўрон Тўраев. — Жойларда жами 809 нафар (198 нафари қизлар) бола спортнинг ўндан ортиқ тури бўйича машғулотларда мунтазам қатнашмоқда. Уларга 19 нафар мураббий устозлик қилмоқда. Жумладан, Гулдона Рўзиева, Зайниддин Чориев, Низомиддин Расулов каби мураббийларнинг фаолияти бугун туман ва вилоят миқёсида кенг оммалаштирилмоқда, улар бошқараётган тўгарак аъзолари орасидан кўплаб чемпионлар етишиб чиқмоқда.

Қишлоқ ҳудудида хотин-қизларни спортга кенг жалб этиш осон эмас. Шунга қарамай, агар иш тўғри йўлга қўйилиб, тушунтириш ишлари жадал олиб борилса, қишлоқ аёллари ҳам спорт билан шуғулланиш учун ўзларида куч ва истак топади.

Ўктам МЕЙЛИЕВ
Қашқадарё вилояти

ДУРАНГ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Futbol

Ўзбек футболи мухлислари Ўзбекистон миллий терма жамоаси иштирокидаги 2013 йилнинг дастлабки ўйинини интиқиб кутаётганди. Ниҳоят, «Пахтакор» марказий стадионида вакилларимиз 2015 йили Австралияда ўтадиган Осиё кубоги саралаш турнирининг илк учрашувида Гонконг футболчиларига қарши майдонга чиқди.

2014 йили Бразилияда ўтадиган мундиал йўлланмаси учун курашишда давом этаётган юртдошларимиз Осиё микёсида ҳам ўз юришларини бошлади. "Е" гуруҳидан жой олган вакилларимиз бунинг учун Гонконг, Бирлашган Араб Амирликлари ва Вьетнам футболчилари билан уй-сафар тизимида тўп суради.

Гонконгликларга қарши кечган матчда футболчиларимиз гарчи кўплаб ҳужумлар уюштирган бўлса-да, рақиб ҳимоя қўрғонини ёриб ўтаолмади. Қолаверса, бир неча бор такрорланган қулай вазиятларда футболчиларимизга зарба беришда аниқлик етишмади. Шу тарика учрашув кутилмаганда 0:0 ҳисобида дуранг билан тугади.

Гуруҳдаги иккинчи ўйинда вьетнамликлар ўз майдонида Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоасига 1:2 ҳисобида енгилди.

Энди ўзбекистонлик футболчилар 22 мартда асосий рақиби — Бирлашган Араб Амирликлари футболчиларига қарши сафарда ўйнайди.

Шунингдек, кеча қолган гуруҳларда ҳам саралаш баҳслари ўтказилди ва уларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Эрон—Ливан 5:0, Тайланд—Қувайт 1:3, Уммон—Сурия 1:0, Ирок—Индонезия 1:0, Иордания—Сингапур 4:0, Яман—Баҳрайн 0:2, Қатар—Малайзия 2:0 ва Саудия Арабистони—Хитой 1:1.

ЭПЧИЛ ҲАРАКАТ ҚИЛСАНГИЗ, ҒОЛИБ БЎЛАСИЗ!

ТАЁҚЧА АТРОФИДА
(мактабгача ёшдаги болалар учун)

Ерга ўртача катталикдаги айлана чизилиб, унинг марказига унча узун бўлмаган таёқ қоқилади. Қуръага кўра, ўйинчилардан бири ўнг қўли билан таёқни, чап қўли билан эса ўнг қўли орасидан ўнг қулоғини ушлаб соат мили йўналиши бўйлаб айланади. Айланиш жараёнида қулоқни қўйиб юбормаслик талаб этилади. Қулоғини қўйиб юбормасдан энг кўп айланган ўйинчи ғолиб бўлади.

Ўйин болаларни эпчил ҳаракат қилишга ўргатади ва уларнинг иродасини тоблайди.

ТЎХТА, ИЛДИМ

Бу ўйинда 6 нафардан бола қатнашади. Улардан бири коптокни осмонга отиб, ёнида турган дўстларидан бирининг (масалан, «Эргаш» деб) номини айтади. Тўп ерга тушгунча, исми айтилмаган болалар ҳар томонга югуриб кетадилар. Исми айтилган бола эса тўпни илиб олишга ҳаракат қилади ва бу ишни бажаргач «Тўхта, илдим!» деб қичқиради. Ҳамма овозни эшитиши билан тақатақ тўхтайди. Бола эса қўлидаги коптоги билан бирортасини уради ёки коптокни астагина ерга ташлайди. Мабодо у кимнидир урганда, нишонга олинган бола тўпни илиб олиб, қайтариб бошқа бировни урса, копток теккан болага бир мағлубият тўпи ёзилади. Агар коптокни илолмай қолса ўзига ҳам мағлубият ёзилади.

Бу ўйин давомида коптокни илиб олишда, ҳар томонга югуришда ва нишонга олишда эпчил ҳаракат қилиш талаб этилади.

ЭҲТИЁТ БЎЛ
(Катта ёшдаги болалар учун)

Очиқ майдон ёки спорт залида болалар икки гуруҳга бўлиниб, бир-бирларидан 20—30 метр масофада юзма-юз саф тортиб турадилар. Ўйинни бошловчи гуруҳ қуръа ташлаш йўли билан аниқланади. Ўйинни бошламайдиган гуруҳ ўз жойида туради. Ўйинбоши ишора бергач, ўйин бошловчи гуруҳ аъзоларидан бири рақиб гуруҳ болаларидан бирининг елкасига қўл билан уриб, ўз жойига қочиб кетади. Шунда у то маррага етгунича, рақиб гуруҳ аъзоси тутиб олишга уринади. Мабодо тута олса рақибни ўз гуруҳига олиб келади. Тута олмаса ўзи рақибга «асир» бўлади. Шундан сўнг гуруҳлар жой алмашади ва ўйин шу тарика давом этади. Қайси гуруҳ кўп қочоқ тутса, ўйинда ютган ҳисобланади.

Ўйинда эпчил ҳаракат қилган иштирокчи ўз мақсадига эришади.

(«500 ҳаракатли ўйинлар» китобидан олинди.)

ҒОЛИБ ЭРТАГА АНИҚЛАНАДИ

Футбол бўйича Жанубий Африка Республикасида давом этаётган Африка миллатлар кубоги мусобақасининг финал учрашуви иштирокчилари маълум бўлди. Қитъа биринчилигининг ҳал қилувчи баҳсида Буркина-Фасо ҳамда Нигерия терма жамоалари ўзаро куч синашади.

Буркина-Фасо ва Гана жамоалари ўртасида ўтган ярим финал матчида асосий ва қўшимча бўлимлар 1:1 ҳисобида якунлангач, ғолиб номи пенальтилар сериясида аниқланди. Унда мусобақани кўтаринки кайфиятда ўтказаётган буркина-фасоликларга омад кулиб боқди. Улар тажрибали рақибни 3:2 ҳисобида ортда қолдирди.

Финал ўйинининг иккинчи иштирокчиси Нигерия терма жамоаси эса ярим финал тўсиғидан қийинчиликсиз ўтди. Улар Мали мамлакати футболчиларини 4:1 ҳисобида енгди.

Эътиборлиси, Нигерия терма жамоаси мусобақа тарихида олти марта финалга чиқиб улгурган, охирги марта бундан 19 йил илгари чемпион бўлганди. Еттинчи уриниш эҳтимол омадли якунланар. Буркина-Фасо жамоаси эса шу вақтга қадар фақатгина 1998 йили ярим финалгача етиб келган, холос. Шундай экан, улар ҳам азалий орзусини амалга ошириш учун бор куч-ғайратини сарфлаши аниқ.

Финал баҳси эртага ўтказилади.

3,5 СОАТЛИК ТУМАНДАН СЎНГ

Словениялик тоғ чанғичиси Тина Мазе Австриянинг Шладминг шаҳрида ўтказилаётган жаҳон чемпионатида зафар қучди.

Мусобақа майдони жойлашган ҳудудни кучли туман қоплагани боис баҳслар уч ярим соатга кечиктирилди. Шундай бўлса-да, мухлисларнинг мусобақага бўлган қизиқиши заррача ҳам сўнмади.

Тажрибали спортчи белгиланган масофани 1 дақиқаю 35,39 сония ичида хатосиз босиб ўтиб, чемпионатнинг олтин медалига сазовор бўлди.

Иккинчи ўрин учун аталган кумуш медал швейцариялик тоғ чанғичиси Лара Гут(1.35,77)га насиб этди. Бронза медалига эса америкалик спортчи Жулия Манкусо (1.35,91) эга бўлди.

ВИНУС ҚАТАРГА БОРМАЙДИ

Таниқли теннисчи Винус Уильямс белидан олган жароҳати туфайли 11 февраль куни Қатар пойтахти Доха шаҳрида старт олувчи халқаро турнирни ўтказиб юборадиган бўлди.

Хабарингиз бўлса, 32 ёшли Уильямс Австралия очиқ чемпионатининг учинчи турида мазкур жароҳатни орттириб, мусобақани муддатидан олдин тарк этишга мажбур бўлганди.

Дунёнинг 23-рақамли ракеткачиси тиббий текширув хулосасига кўра, қатъий тартиб асосида даволаниши лозим. Шу боис, Винус Парижда кечган халқаро турнирда ҳам қатнашолмади. Шунингдек, у АҚШ терма жамоаси таркибидаги бир қатор матчларни ҳам ўтказиб юборишга мажбур бўлмоқда.

Ҳурматли Дилором ЮСУПОВА!

Сизни таваллуд айёмингиз билан муборакбод этамиз.

Сиз кўп йиллардан буён Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасида самарали фаолият юритиб, таълим тизими самарадорлигини ошириш, умумтаълим муассасаларида ахборот-кутубхона фаолиятини такомиллаштириш борасида салмоқли ишларни амалга ошириб келмоқдасиз.

Шарафли ва машаққатли фаолиятингизга зафарлар тилаймиз. Оила аъзоларингиз ва шогирдларингиз бахтига доим омон бўлинг. Сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, ёш авлод тарбияси йўлидаги меҳнатингизда улкан ютуқларни тилаймиз.

Хурмат билан ҳамкасбларингиз

Улча эрур тифлга шойиста иш,
Билки, кичикликда эрур парвариш.

ШАХМАТ МУСОБАҚАСИ ЯКУНИГА ЕТДИ

Қизғин баҳслар юртимиз истеъдодларга бой эканини яна бир бор исботлади

Bolalar sporti

Пойтахтимизда шахмат бўйича 10 ва 16 ёшгача бўлган ўғил болалар ва қизлар ўртасида республика чемпионати ниҳоясига етди. Швейцарча тизимда 9 турдан иборат мусобақалар ниҳоятда қизғин курашлар билан кечди. Жумладан, ўтган йили Словенияда ўтказилган жаҳон чемпионатида ғолиб чиққан Нодирбек Абдусатторовнинг мамлакат биринчилигида 2-ўринни эгаллагани юртимиз истеъдодларга бойлигидан яна бир далолатдир. Шуни таъкидлаш лозимки, 10 ёшгача ўғил болалар ва қизлар ўртасидаги баҳслар якунига кўра 8 ёшгача бўлганлар ўртасида ғолиб чиққан ёш шахматчилар ҳам аниқланди. Баҳсларда тошкентлик ёш шахматчилар муваффақиятли иштирок этишди, шунингдек, Самарқанд, Навоий, Фарғона, Андижон ва Тошкент вилояти вакиллари ҳам ғолиблар сафидан ўрин олишди. Шундай қилиб, 2013 йилги республика чемпионатида 8 ёшгача ўғил болалар ўртасида кечган баҳсларда Жавоҳир Синдаров ғолибликни қўлга киритган бўлса, қизлар ўртасида Лобар Раҳматжонова 1-ўринни эгаллади. 10 ёшгача бўлган болалар ўртасидаги баҳсларда Жавоҳир Синдаров ҳамда Дилбар Ҳамроева, 16 ёшгача бўлган шахматчиларимиз орасидан эса Жаҳонгир Шовдиров ва Гулҳаё Нарзиқулованинг қўли баланд келди.

Ўзбекистон чемпиони бўлган ёш шахматчиларимиз ва иккинчи ўрин соҳиблари шу йили бўлиб ўтадиган болалар ва ўсмирлар ўртасидаги Жаҳон ва Осиё чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

МУХБИРИМИЗ

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.



Марҳамат, ғолиблар билан танишинг:

10 ёшгача ўғил болалар

1. Жавоҳир Синдаров (Тошкент).
2. Нодирбек Абдусатторов (Тошкент)
3. Меҳриддин Йўлдошев (Навоий).

10 ёшгача қизлар

1. Дилбар Ҳамроева (Тошкент).
2. Юлия Хегай (Тошкент).
3. Лейла Ким (Тошкент).

16 ёшгача ўғил болалар

1. Жаҳонгир Шовдиров (Тошкент).
2. Алишер Бегмуратов (Тошкент вилояти).
3. Ортиқ Ниғматов (Тошкент).

16 ёшгача қизлар

1. Гулҳаё Нарзиқулова (Самарқанд).
2. Нодирабегим Парпиева (Фарғона).
3. Баҳора Абдусатторова (Тошкент).

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir: Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV, Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416

INDEKS: 149, 150. Г-218.
Tiraji 66475.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar: Malohat TOSHOVA, Liliya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir: Abror UMARQULOV.
Navbatchi: Jo'rabek JANGIROV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

ЎзА якуни — 21.40
Topshirildi — 22.00